O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2001 йил 5 ИЮН, сешанба
№ 23 (227)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

## ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

1 июнь куни Беларус пойтахти Минскда МДҲ Давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам иштирок этди.

Ҳамдўстликнинг сўнгги йиғилишлари аъзо мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорликни амалда ривожлантиришга интилиши кучайиб бораётганини намоён этмоқда. Зеро, бугунги шароитда дўстлик фақат изҳори дил билан чекланиб қолмай, уни том маънодаги шериклик билан тасдиқлаш ва мустаҳкамлаш лозимлиги кўриниб турибди. МДҲнинг бу галги саммитида ҳам долзарб масалалар кўрилди.

Аввало, бу йил Ҳамдўстлик тузилганига ўн йил тўлишига тўхталсак. Яхши маълум: 1991 йил декабрда МДҲ тузилиши билан СССР деб аталмиш улкан империя расман йўқлик сари юз тутди. Ўтган ўн йил давомида мустақил давлатлар ўзининг сиёсий, иқтисодий манфаатларини кўзлаб, турлича тараққиёт йўлларини танлади. Йўналишлар, қарашларнинг турфа хиллиги МДҲ саммитларида, умуман, Ҳамдўстлик доирасидаги икки ва кўп томонлама муносабатларда сезилиб турди. Баъзида сиёсий шарҳловчилар, халқаро кузатувчилар бу тузилманинг тақдири ғоят мавҳумлиги, аъзо давлатларнинг бир-бирига ишончи мустаҳкам эмаслигини ҳам гапириб келди. Бунинг сабаби МДҲга сиёсий тус беришга, ундан иқтисодий интеграция эмас, сиёсий манфаатлар йўлида фойдаланишга интилишлар мавжудлиги эди. Бу амалга ошмагач, иқтисодий муносабат ҳақида бош қотириш ўрнига, "иккилик", "тўртлик", "бешликлар" тузилди. Бундай ўзига хос тузилмалардаги ишлар донгдор баёнотлардангина иборат бўлиб қолаётганини яхши биламиз. Ҳар ҳолда, ривожланиш даражаси, иқтисодий ва сиёсий салоҳияти кескин фарқланган давлатларнинг бундай иттифоқларидан фойда чиқиши ўта мушкул эди. Масалан, хориждаги айрим оммавий ахборот воситаларида Тожикистон билан Беларус мисол келтирилади. Улар орасидаги масофа минглаб километрни ташкил қилади, ўзаро савдо-сотиқ деярли йўқ. Ваҳоланки, бу икки мамлакат "Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти"га аъзо давлатлардир.

Минск учрашувида Ҳамдўстлик ривожланиб бораётгани таъкидланар экан, бунга тасдиқ тариқасида оммавий ахборот воситалари ва кузатувчиларда МДҲ ҳақида илиқ фикрлар кўпайгани келтирилди. Таъкидландики, барча аъзо давлатларда бугун МДҲ керак, деган якдил фикр бор. Бинобарин, муносабатлар шу нуқтаи назар асосида ривожлантирилмоқда. Дейлик, Эркин савдо зонаси яратиш бўйича икки томонлама мулоқотлар кучайди, Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳозирги шароит тақозо этадиган ишларни бажаришга киришди. Мисол сифатида Минскда компьютер ахборотлари соҳасидаги жиноятчиликка қарши ҳамкорликда курашиш ҳақида ҳужжат қабул қилинганини айтиш мумкин. Бунинг нечоғли долзарблиги ва аҳамиятини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

Минскда давлатлар раҳбарлари мулоқот жуда очиқ, самимий ва самарали кечганини эътироф этди. Албатта, ҳар қандай давлат бирор тузилмага қўшилса, биринчи навбатда, ўз миллий манфаатларини кўзлаб бу ишга қўл урган бўлади. МДҲдан ҳам ҳар бир аъзо мамлакат ўзига имкон қадар кўп фойда олишга интилади. Бу — табиий. Ҳозир юзага келган вазият илгаригисидан шуниси билан фарқланадики, миллий манфаат йўлидаги интилишлар негизида ўзаро фойда кўриш тамойили ётибди.

Шу ўринда Ўзбекистон Президенти авваллари кўп айтган бир ибратли гап ёдга тушади. Ислом Каримов иқтисодий интеграцияни, икки томонлама алоқаларни ривожлантирмай туриб, МДҲ доирасида кўп томонлама муносабатларни қарор топтириб бўлмаслигини неча бор таъкидлаган. Ҳозир МДҲда айни шундай жараён бошланганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айни шундай кайфият ташқи сиёсатда ҳам ўзаро мувофиқлик юзага келишига сабаб бўляпти.

(Давоми 3-бетда)



Суратда: мажлис пайтида.
**Муҳаммад АМИН ва Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат (ЎзА)**




Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва инсон ҳуқуқи" ҳамда "Йод танқислиги муаммолари" мавзуларида илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтди.

* * *

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлисида кичик ва ўрта бизнесни комплекс ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

* * *

Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

1 июн куни **"Мудофаа тўғрисида"**ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди.

* * *

Россиянинг "Сибир битими" минтақалараро ассоциацияси (МАСС) делегацияси мамлакатимизда бўлди.

* * *

Греция ташқи ишлар вазири бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди.

* * *

Хитойнинг "Экспорт-импорт" банки вакиллари мамлакатимизда бўлдилар.

* * *

Халқ таълими вазирлиги ва Тошкент Ислом университети ҳамкорлигида Республика Байналминал марказида диншунослик фанини ўқитиш масалаларига бағишланган ўқув-услубий семинар бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида миллий мафкура ва миллий ғоянинг фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатларига бағишланган илмий анжуман ўтказилди.

*XXI аср: Ўзбекистон ёшлари*

## ЮРТБОШИНИНГ НАЗАРИ ТУШГАН...

***Севарага менинг ҳавасим келади, чунки Юртбошимиз унинг қўлини сиқиб: - Сен албатта жаҳон чемпиони бўласан! - дея юксак ишонч билдирган. Мен буни телевизор орқали кўрганман. Кейин унга Наманганда бўлиб ўтган Универсиаданинг рамзий машъаласини ёқиш насиб этган. Шу ёшда ҳамма ҳам бундай бахтга муяссар бўлавермайди.***



Севарани яхши билмаганлар: «Бу қиз ким экан ўзи?» - деб ўйлаши табиий. Аслида у сиз билан бизга ўхшаган Ўзбекистонимиз қизларининг миллиондан биридир. Фақат Севара спорт теннисига бўлган ўз ихлоси ва иқтидорини жуда эрта пайқаган. Эҳтимол бунга онаси Ҳафиза Ҳамидова сабабчи бўлгандир. Хуллас, наманганлик бу қиз Чустдаги 9-мактабда ўқиш билан бирга тоғаси Муҳаммаджон Ҳамидовдан стол тенниси сир-асрорларини қунт билан ўрганган. Олимпия ўринбосарлари спорт даргоҳида эса устози Гулбаҳор Абдуллаева раҳбарлигида у ўз малакасини такомиллаштирди. Шу билан бирга стол тенниси бўйича турли даражадаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этди ва 1994 йили вилоят терма жамоаси таркибига қабул қилинди.

Албатта, Севара Қодированинг кейинги ютуқларида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Саидикром Бурҳонхўжаевнинг хизматлари беқиёсдир.

1997 йили стол тенниси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси қизлари Бомбей (Ҳиндистон) шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида фаол иштирок этиб, тўртинчи ўринни эгаллашди. Албатта, бунда Севара Қодированинг ҳам муносиб улуши бор.

Ўша йили у Японияда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги халқаро мусобақаларда ҳам ўз иқтидорини намоён этди ва кумуш медалга сазовор бўлди.

1998 йил Севара Қодирова ҳаётида унутилмас из қолдирди. У аввал Алмати (Қозоғистон) шаҳрида, кейинчалик Ҳиндистонда ўтган стол тенниси бўйича халқаро мусобақаларда ўзининг бетакрор маҳоратини намойиш этди, ихлосмандлар олқишини қозониб қолмай, шоҳсупанинг фахрли иккинчи поғонасига кўтарилишга муваффақ бўлди.

Агар ёдингизда бўлса, 1999 йили Фарғона шаҳрида стол тенниси бўйича мамлакат чемпионати бўлиб ўтган. Ўшанда камтар ва камсуқум Севара Қодирова ўз ҳаётида иккинчи маротаба шоҳсупанинг энг олий поғонасига кўтарилган.

Ҳар бир киши ҳаётининг энг унутилмас, энг қувончли, бир сўз билан айтганда, юлдузли онлари бўлади. Бунга элтувчи йўлда кимнингдир илҳомбахш бир оғиз сўзи, кимнингдир билдирган қатъий ишончи инсонга қанот бўлади. У шундан руҳ олиб, ғайрат ва жасорат кўрсатади, мана шу лаҳзалар унинг ҳаётини нурлантириб юборади, номини шарафга буркайди. У ўз санъати, юксак маҳорати билан миллион-миллион ихлосмандлар қалбидан жой олади. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг иқтидорли ёш теннисчи қизга алоҳида меҳр кўрсатиб, билдирган юксак ишончи унинг кейинги ҳаётида ёниқ ва шиддатли янги бир даврни бошлаб берди, десак асло муболаға бўлмайди.

У 1999 йили терма жамоа таркибида Карлсборг (Швеция) шаҳрида бўлиб ўтган стол тенниси бўйича жаҳон биринчилигида фарғоналик Нилуфар Сотволдиева билан бирга 16 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги мусобақаларда ғолиб чиқиб, шарафли биринчи ўринни қўлга киритди ва чемпионлик унвони ҳамда олтин медалга сазовор бўлди.

Президентимиз эса Севара Қодирова каби оловқалб, иқтидорли спортчилар бутун мамлакатимиз фахри эканини таъкидлади. Бу юксак ишончни оқлаш ҳам оғир, ҳам шарафли, албатта.

Чунки ҳаёт доимо курашдан иборат, олдинда минг бир синов, минг бир баҳслар, жаҳон чемпионатлари. Унда кимнинг ғолиб чиқиши эса кўрган ҳозирлиги, воқеалар оқимига қанчалик жиддий қараши, қанчалик қунт билан изланиши ва ўз иқтидорини парвариш этиши, яъни маънавий ва руҳий қудратига боғлиқ бўлади.

Гап шундаки, 2000 йили Наманганда ўтказилган «Универсиада-2000» мусобақаларида тақдир тақозосига кўра, Швецияда бўлган жаҳон биринчилигида ҳамкорлик қилган икки дугона яна майдонга тушишди, аммо бу сафар бир-бирига қарши ўйнашди. Бу баҳс, ҳеч шубҳасиз, жуда ҳаяжонли кечди. Ўйинда Севара Қодированинг қўли баланд келди. Унга Универсиаданинг олтин медали ва Президентимизнинг совғаси — «Тико» енгил автомашинаси топширилди.

***Ёрқин истеъдод соҳибаси, Наманган муҳандислик педагогика институти талабаси Севара Қодирова:*** «Эл-юртимизнинг шон-шарафини ҳамма нарсадан баланд қўядиган, биз каби ёшларга унинглар-ўсинглар деб, керак бўлса, елкасини тутиб берадиган меҳрибон Юртбошимизга ҳамиша таъзим қиламан! - ***дейди.*** - Истиқлол бўлмаганида, бу кунлар қаёқда эди!»

Халқаро тоифадаги спорт устаси, жаҳон чемпиони Севара Қодирова мамлакатимиздаги юз минглаб сингиллари қалбида ўзига, стол теннисига нисбатан меҳр ва ҳавас уйғотган бўлса, не ажаб. Ҳолбуки, у куни кеча ўн саккиз баҳорни қаршилади.

**Дилфуза ҲОТАМОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номли академик лицей ўқувчиси**

*Қонун ҳамма учун баробар*

## ИНСОН ОМИЛИ — ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ҚУДРАТЛИ ДАСТАГИ

***Бозор муносабатларини шакллантиришда тадбиркорлар ва тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос салмоқли улуши бор. Шу боис уларга кенг йўл очиб берилмоқда. Тадбиркорлар иқтисодий ривожланишни фаоллаштирувчи қудратли омилга айланиб бораяпти.***

***Адлия вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-қарори ҳамда Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш режаси бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан тасдиқланган тадбирлар режасининг Андижон вилоятида қандай бажарилаётганлиги махсус ўрганиб чиқилди.***

***Ва ушбу текширув натижалари асосида Адлия вазири томонидан тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиниши ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга доир қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан Андижон вилояти ҳокимига тақдимнома киритилди. Вилоятда бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Шу билан бир қаторда баъзи бир камчилик, нуқсонлар холисона кўрсатилиб, уларни бартараф этиш, бундай ҳолатларнинг келгусида такрорланишига йўл қўймаслик юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга янада кенгроқ йўл очиш лозимлиги таъкидлаб ўтилган.***

Маълумки, республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришда Андижон вилоятининг салмоқли улуши бор. Ривожланишнинг Андижон тажрибаси (Андижон технологияси) барча вилоятларда кенг қўлланилаётгани бежиз эмас. Вилоятда, хусусан, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ўзига хос тажриба тўпланган. Бу наинки мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Бу жараёнларга турли нуқталардан ёндошиш, таҳлил этиш, талқин қилиш мумкин. Энг асосийси, инсонга бўлган муносабат ўзгараяпти. Бу бежиз эмас. Вилоятда янгича ишлаш, янгича фикрлаш, бунёдкорлик кайфиятида изланаётган кишилар жуда кўп. Масаланинг ўзаги ҳам ана шундай кайфиятдаги кишиларга бўлган муносабат, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдадир.

Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган тақдимномада бу жараённинг қай даражада кечаётганлиги холисона таҳлил этилган. Асосий эътибор мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф этишга қаратилган. Унинг тафсилотлари сизни ҳам бефарқ қолдирмайди, деган фикрдамиз.

Шаҳрихонлик тадбиркор С.Юсупалиевнинг туман ҳокимлигига дўкон қуриш учун ер ажратиш тўғрисидаги аризаси (2000 йил 27 март) 9,5 ойдан кейин ҳал қилинган.

Жалолқудуқлик тадбиркор У.Эрмаковнинг аризаси 2 ойдан сўнг К.Жиянованинг аризаси эса 121 кундан, «Баркамол ЛТД» хусусий фирмаси раҳбарининг Олтинкўл туман ҳокимлигига ер ажратиш тўғрисидаги мурожаати 5 ойдан сўнг қондирилган.

Бундай ҳолатлар Балиқчи туманида ҳам содир этилган. Жумладан, тумандаги «Малика» хусусий фирмаси бошлиғи аризаси 5 ойдан кейин, якка тартибдаги тадбиркорлар К.Охуновнинг аризаси 130 кундан сўнг, М.Сулаймонованинг талаби 2 ойдан сўнг ҳал қилинган.

Ушбу ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддаси талабларига зид равишда тадбиркорларга ер ажратиш тўғрисидаги аризаларнинг кўриб чиқиш муддатлари бузилганлиги аниқланган.

Айрим туман ҳокимликлари томонидан фермер хўжаликларига ер ажратиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказишда **қуйидаги қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Тадбиркор Г.Тожибоеванинг фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун Улуғнор туман ҳокимлигига 115 кун керак бўлган бўлса, «Дилшод-5» фермер хўжалиги раиси Д.Худойқулованинг фермер хўжалиги Низомига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги аризаси 52 кундан сўнг қаноатлантирилган.**

Худди шундай қонунбузарлик ҳолатлари Қўрғонтепа туман ҳокимлигида «Исмоилжон» ва «Акром-У» фермер хўжаликларига ер ажратиш жараёнида ҳам кузатилган.

Шаҳрихон туманидаги деҳқончиликка ихтисослашган «Дилшод» фермер хўжалигига 6 гектар, «Ҳотам-ота» фермер хўжалигига 5 гектар ер ажратилган. Ваҳоланки, қонун талабларига кўра, ушбу фермер хўжаликларига камида 10 гектардан ер ажратилиши лозим эди.

Текширишлар давомида баъзи туман ҳокимликлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар ва хусусий корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказишда белгиланган тартибга зид равишда аризаларни кўриб чиқиш муддати ва тартиби бузилаётганлиги, шунингдек, улардан ноўрин ортиқча ҳужжатлар талаб қилинаётганлиги ҳолатлари аниқланган. Масалан, Шаҳрихон тумани ҳокимлигида М.Набиевдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олиш учун фуқаро маълумоти тўғрисидаги диплом, меҳнат дафтарчасининг нусхалари, иш жойидан маълумотнома, тиббий кенгаш хулосаси,квалификация гувоҳномаси ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг розилик хати каби ҳужжатлар ортиқча талаб қилинган. Айни шу ҳолат фуқаро Ш.Мўминовга нисбатан ҳам такрорланган.

Ёки Олтинкўл туман ҳокимлигида фуқаро Р.Саримсоқовни якка тартибдаги тадбиркор тарзида рўйхатга олишда (2000 йил 21 август) ундан маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси, қишлоқ фуқаролар йиғини қарори ва хулосаси каби қонунчиликда назарда тутилмаган ҳужжатлар ортиқча равишда талаб қилинган. Худди шундай ҳолат туман ҳокимининг 2001 йил 7 февралдаги 46-қарорига тегишли ҳужжатлар тўпламида ҳам қайтарилган.

(Давоми 2-бетда)

*Адлия тизими*

## Андижон

**"Тадбиркорбанк"**нинг **Охунбобоев бўлими** томонидан 2001 йилда тузилган 54 кредит шартномаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан туриб имзоланган.

* * *

**"Ҳамкорбанк"** томонидан 2000 йилда тузилган 110, 2001 йилда тузилган 40 кредит шартномаси қонун талабларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан туриб имзоланган.

* * *

**"Ҳамкорбанк"** Андижон шаҳар бўлимининг ҳуқуқшуноси кредит шартномаларининг лойиҳаларига виза қўйиши билан чегараланган. Ваҳоланки, ажратилаётган кредит суммалари энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан ортиқни ташкил этишини инобатга олган ҳолда ёзма хулоса бериши лозим эди.

* * *

**"Асакабанк"** бўлимида эса 2000 йилда тузилган кредит шартномалари бўйича юридик хулосалар кредит шартномалари тузилгандан кейин берилган.- Бундан ташқари кредит шартномалари ҳуқуқшуноснинг ҳамда бош ҳисобчининг имзолари қўйилмаган.

* * *

**"Заминбанк"** нинг вилоят бўлимида ҳам кредит шартномаларининг лойиҳаларига ҳуқуқшунос фақатгина виза қўйиши билан чегараланган. Ваҳоланки, ажратилаётган кредит суммалари энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан ортиғини ташкил этишини инобатга олган ҳолда ёзма хулоса бериши лозим эди.

* * *

**"Савдогарбанк"** вилоят бўлими томонидан тузилган айрим кредит шартномалари бўйича ҳуқуқий хизмат ходимининг хулосалари мавжуд эмас.

*Конституция ва биз*

## ТИНЧ ҲАЁТ ВА ХАВФСИЗЛИК УЧУН

Бешинчи сабоқ

**Бутун дунёда тинчлик ҳақида кўп гапирилган бўлса-да, ҳали армиясиз яшаётган бирор мамлакат йўқ. Шунинг учун мустақил Ўзбекистон ҳам ўз Қуролли Кучларига эга ва унинг ҳуқуқий мақоми аввало Конституциямизнинг XXVI бобида белгиланган. Конституцияга оид бу галги сабоғимиз ана шу масалага бағишланади. Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Илгизар СОБИРОВ шарҳлайди.**

Ҳар бир мустақил давлат ўз қуролли кучларига эга бўлиши керак. Қуролли кучларнинг қай даражада мустаҳкамлиги давлат тақдирини белгилаб берувчи асосий омиллардан биридир. Агар давлатнинг қуролли кучлари заиф бўлса, унинг келажаги ҳақидаги ҳар қандай сўзлар қуруқ бўлиб қолаверади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, ўз Қуролли Кучларини ташкил этди. Унинг ҳуқуқий мақоми аввало, Конституцияда мустаҳкамланди. Асосий Қонундаги меъёрларга мос равишда мукаммал қонунлар ҳам қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида Мудофаа ишлари вазирлиги ва Миллий гвардияни тузиш зарурлиги дастлаб 1991 йил 31 августдаги **"Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида"**ги Олий Кенгаш баёнотида белгиланган бўлиб, баёнотдаги кўрсатмалар ўша куннинг ўзида қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"**ги Қонунда юридик жиҳатдан мустаҳкамланган. Унда суверен давлатимиз Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, Миллий гвардия билан бирга муқобил хизматни ташкил қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида жойлаштирилган собиқ Иттифоқ Қуролли Кучларини бошқариш масалаларида ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиши айтилган эди. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг ўз Қуролли Кучларини тузишида ҳуқуқий асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 сентябрдаги Фармонига асосан Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги Қарорига биноан Мудофаа ишлари вазирлигининг ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва Низоми тасдиқланди. Вазирлик маҳаллий ҳарбий бошқарув органлари, Фуқаро мудофааси штаби ва армия сафидан ташқари хизмат махсус бошқармаси негизида ташкил қилинди. Мудофаа ишлари вазирлиги зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

- ҳарбий сафарбарлик тадбирлари;
- миллий гвардияни тузиш ва таълим бериш;
- фуқаро мудофаасини амалга ошириш;
- ҳарбий ўқув юртларини комплектлаш, олий ўқув юртларидаги ҳарбий кафедралар ва кучайтирилган ҳарбий тайёргарлик мактабларини бошқариш;
- муқобил хизматни ташкил қилиш;
- уруш қатнашчилари ва байналминал жангчилар билан ишлаш;
- ҳарбий хизматга чақириш;
- қўшинларни жойлаштириш;
- ҳарбий машқлар ўтказишни мувофиқлаштириш;
- қўшин ва ҳарбий объектларни янги жойга кўчириш ва жойлаштириш;
- ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш;
- аҳолини, айниқса, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг вужудга келишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги Қарори муҳим аҳамият касб этди. Ушбу Қарорга мувофиқ собиқ Иттифоқ Қуролли Кучларининг республикамиз ҳудудида жойлашган барча қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, муассаса ва ташкилотлари ҳамда бошқа ҳарбий тузилмалари Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олинди ва улар моддий-техника ҳамда маблағ билан таъминланадиган бўлди. Шу тариқа мустақил Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини барпо этишнинг ташкилий даври якунланди.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлдаги X сессияси ҳам мамлакатимиз Қуролли Кучларини тузишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу сессияда Ўзбекистон Республикасининг **"Мудофаа тўғрисида"**ги, **"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"**ги ва **"Муқобил хизмат тўғрисида"**ги муҳим Қонунлари, ҳарбий қасамёднинг янги матни ва қасамёд қилдириш тартибини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мудофаа ишлари вазирлигини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига айлантириш тўғрисидаги Фармони тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қўшинлар, Ҳарбий-ҳаво ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, Махсус ва муҳандислик-қурилиш қўшинлари, Миллий гвардия, Чегара ва ички қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа вазирликларга, идораларга қарашли ҳарбий қисмлардан иборат.

Қуруқликдаги қўшинлар Қуролли Кучларнинг энг кўп сонли тури бўлиб, бошқа қўшинлар билан ўзаро ҳамкорликда ҳар қандай тажовузни даф этиш, зарур бўлганда эса душманни тор-мор қилиш учун мўлжалланган.

Ҳарбий-ҳаво кучлари Қуролли Кучларнинг манёврчан турлари сирасига кирган. Улар қуруқликдаги жанг майдонида бўлаётган йирик ҳарбий операцияларнинг бориши ва якунига таъсир қилади. Мамлакатимиз ҳаво чегараларини мустаҳкам қўриқлаш, қуруқликдаги ва ҳаводаги душманга зарба бериш имкониятига эга.

Ҳарбий-ҳаво ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудини, унинг ҳаво чегараларини, энг муҳим давлат ва саноат объектларини ҳамда қўшин гуруҳларини ҳаво ҳужумидан ишончли мудофаа қилиш вазифаси юклатилган.

Миллий гвардия Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг таркибий қисмидир. Бу гвардия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 январдаги Қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қисмлари ва Ўзбекистон ҳудудида жойлашган собиқ Иттифоқ Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари негизида тузилди.

Миллий гвардиянинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишдир. Гвардия таркиби фуқароларни мажбурий ҳарбий хизматга чақириш ва армия хизматига ўз ихтиёри билан боришини биргаликда мувофиқлаштириш асосида тўпланади. Гвардия зиммасига ўзига хос бир қанча вазифалар, жумладан, давлат тантана маросимларида иштирок этиш юклатилган. Шу мақсадда гвардия таркибида фахрий қоровул ротаси тузилган.

Армия мамлакат бюджетидан ажратиладиган маблағ ҳисобига таъминланади. Қуролли Кучларни моддий-техника жиҳатдан таъминлаш давлат томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган. Мудофаа эҳтиёжлари учун давлат бюртмаларини бажариш солиқни камайтириш ёки ундан озод қилиш, кредит бериш ва бошқа имтиёзлар билан рағбатлантирилади.

Қуролли Кучларга Олий бошқарувни мамлакатимиз Президенти амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига кўра, Президент Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади.

Қонунчиликда Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ва бошқармаларининг мудофаа соҳасидаги ваколатлари, шунингдек, корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларнинг мажбуриятлари ҳам аниқ белгилаб берилган. Масалан, мудофаа, ҳарбий қурилиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш масалаларида қонунларнинг амалга оширилиши устидан парламент назоратини ўрнатиш Олий Мажлис зиммасига юкланади. Парламент мудофаа соҳасидаги ўз ваколатларини амалга ошира бориб, мудофаа концепциясини, ҳарбий қасамёдини, Президентнинг мудофаа вазирини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, мамлакатнинг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги, юртимизга қуролли тажовуз қилинган тақдирда ёки тажовуздан ўзаро мудофааланиш бўйича шартномавий мажбуриятларни бажариш зарурати бўлганда уруш ҳолатини эълон қилиш тўғрисидаги Фармонларини тасдиқлайди.

*__Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.__*

*__Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.__*

*__125-модда.__*

Қуролли Кучларнинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришда 1997 йил 29 августда тасдиқланган **"Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бу концепцияда диний экстремизм, миллатлараро ва этник зиддиятларнинг кучайиши, қуролларнинг, жумладан, ядро қуролининг тарқалиши, халқаро терроризм, уюшган жиноятчиликнинг авж олиши, наркотик моддаларнинг тарқалиши ҳамда экологик таназзул кўринишидаги минтақавий ва ялпи таҳдид мавжудлиги таъкидланади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, концепция давлатнинг муҳим вазифаларидан бири — миллий хавфсизликнинг самарали тизимини яратишни тақозо этади. Мустақиллик йилларида бу борада кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг энг муҳим вазифалари ҳар тарафлама етук миллий ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш ва армияни жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган замонавий техника, қурол-яроғ билан таъминлашдан иборат. Ана шулардан келиб чиқиб, сўнгги пайтларда Ўзбекистонда Қуролли Кучлар учун юқори малакали офицерлар тайёрлайдиган бир қанча ҳарбий ўқув юртлари ташкил этилди. Армияни техник жиҳатдан жиҳозлашни мустаҳкамлаш ва мукаммаллаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

*Қонун ҳамма учун баробар*

# ИНСОН ОМИЛИ — ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ҚУДРАТЛИ ДАСТАГИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Бундан ташқари, ушбу туман ҳокимлиги томонидан тадбиркорларга савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар беришда тадбиркорлардан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тавсиялари ва хулосалари ортиқча равишда талаб қилинган.

Қўрғонтепа туман ҳокимлигида эса «Соғлом авлод» хусусий дорихонасини давлат рўйхатига олишда дорихона раҳбарининг маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси, давлат санитария эпидемиология назорати маркази хулосаси, асосий фондлар тўғрисидаги маълумот ва дорихонанинг чизмаси каби қонунда назарда тутилмаган ҳужжатлар талаб қилинган.

Жалолқудуқ тумани ҳокимлигида эса «Умид-М» кичик корхонасини давлат рўйхатига олишда ширкат хўжалиги ҳайъатининг кичик корхона очишга рухсат бериш тўғрисидаги қарори қонунга зид бўлсада, сўралган.

Шу нарса аён бўладики, юқоридаги ҳолатларда номлари келтирилган туман ҳокимликлари амалдаги қонунчиликка зид бўлса-да, ўзича «тартиб» ўрнатишга ҳаракат қилишган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашиш ва уларнинг маблағларини турли жамғармаларга жалб этиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Жумладан, Улуғнор туман ҳокимининг қарорларида тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб рақамларини ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг «Оқ олтин» бўлимида очиш белгиланган. Худди шундай ҳолат Балиқчи ва Жалолқудуқ туманлари ҳокимларининг қарорларида ҳам учрайди.

Айрим туман ҳокимликлари томонидан тадбиркорларни давлат рўйхатига олишда улар зиммасига бир қатор идораларга ҳисоботлар топшириш мажбурияти юклатилган. Чунончи, Улуғнор туман ҳокимининг 2000 йилги 452, 453, 460, 461, 462 ва 463-қарорларида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда туман меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимига ҳисоботларни топшириш мажбурияти юклатилган.

Баъзи туман ва шаҳар ҳокимликлари фаолиятида тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини чеклаш ҳолатлари содир этилмоқда. Жумладан, Андижон шаҳар ҳокимининг (20.03.2001 йилдаги) 18, 19-фармойишларида қонунга зид равишда, вақти келганда шаҳар ҳокимининг биринчи талаби билан растани бузиб, жойни бўшатиш ёки лозим бўлганда товон пулисиз жойни бўшатиш каби талаблар белгиланган. Айни шундай ҳолат Балиқчи туман ҳокимининг 2001 йил 27 мартдаги 79, 80, 83-қарорларида ҳам такрорланган.

Ёки айрим туман ҳокимлари томонидан тадбиркорлик масалалари юзасидан зарурат бўлмаса ҳам ёки ўз ваколати доирасига кирмайдиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ҳолатлари учрамоқда. Масалан, Жалолқудуқ туман автомобил йўллари бўлими бошлиғи К.Ҳайдаров билан Охунбобоев шаҳри Гагарин кўчаси, 6-уйда истиқомат қилувчи тадбиркор Д.Мирзаев ўртасида автобус бекатини ижарага олиш тўғрисидаги шартномага рухсат бериш юзасидан туман ҳокими қарор қабул қилган. Ҳолбуки, ушбу шартнома автобус бекати жойлашган ер участкасидан фойдаланиш учун етарли асосга эга эди. Бундай ҳолатлар Жалолқудуқ туман ҳокими томонидан қабул қилинган қарорларда ҳам учрайди.

Улуғнор туман ҳокими томонидан ҳам баъзи бир ҳолларда туман ҳокимининг ваколатига кирмайдиган масалада қарорлар қабул қилинган.

Вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ўз ваколати доирасига кирмайдиган масалалар бўйича ноқонуний текширувлар ўтказилган. Масалан, вилоятда фаолият кўрсатаётган 31 та тижорат банк муассасаларида инкассо талабномаларининг бажарилиши назорат тартибида текширилган. Ҳолбуки, инкассо талабномасини қўйиш ваколати республика Молия вазирлигига берилган.

Вилоят статистика бошқармаси томонидан ноқонуний текшириш ўтказилган ҳолатлар ҳам афсуски, учраб турибди. Жумладан, ушбу бошқарманинг умумий бўлим бошлиғи А.Латипов Ўрта Шаҳрихон савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида ноқонуний текшириш ўтказган.

Вилоятда 9 та ҳолатда назорат қилувчи идоралар томонидан битта тадбиркорлик субъекти (бир йил давомида) бир неча марта текширилган. Хусусан, Асака шаҳрида фаолият кўрсатаётган якка тадбиркор С.Ташланов фаолияти 2000 йилнинг 19 июлидан 28 августигача 5 марта (яъни Давлат солиқ инспекцияси, Асакабанк, Меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан) текширилган. Шунга ўхшаш ҳолатлар Қўрғонтепа давлат солиқ инспекцияси фаолиятида ҳам учрайди. «Асака дори-дармон» масъулияти чекланган жамият тумандаги турли идоралар томонидан 7 марта, Жалолқудуқ давлат акциядорлик МТП (машина-трактор парки) вилоят ва туман идоралари томонидан 8 марта текширилган. 52 та ҳолатда текширув якунлари бўйича маълумот берилмаган ва текширувчининг тасдиқловчи имзоси мавжуд эмас.

Айрим тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига кредит беришда амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибни бузиш ҳолатлари содир этилган. Жумладан, меъёрий ҳужжатларга зид равишда тадбиркорлардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилиб олиш ҳолларига йўл қўйилган. Масалан, ИАТнинг «Пахтабанк» Балиқчи бўлимида кредит сўраб мурожаат этган якка тартибдаги тадбиркорлардан: яшаш жойидан маълумотнома, маҳалла фуқаролар йиғинидан берилган тавсифнома, бошқа банкларда ҳисоб рақами очилганлиги тўғрисида маълумотномалар каби ортиқча ҳужжатлар талаб қилинган.

Шунингдек, кредит сўраб мурожаат қилган юридик шахслардан бошқа корхоналарнинг устав жамғармасида улуши йўқлиги, бошқа кредиторлардан қарз олмаганлиги ҳамда бошқа банкларда ҳисоб рақами очмаганлиги ҳақида маълумотномалар каби ортиқча ҳужжатлар талаб қилинган. Шунингдек, тадбиркорлардан ортиқча маълумотномалар талаб қилиш ҳолатлари **«Тадбиркорбанк»**нинг **Олтинкўл бўлимида, «Ҳамкорбанк»нинг Қўрғонтепа, Асака бўлимларида, «Миллий банк»нинг Қўрғонтепа бўлимида ҳам учрайди.**

Тижорат банклари томонидан айрим ҳолларда тадбиркорларга кредит ажратилишини асоссиз равишда рад этиш ҳамда кредит ажратишда қонунларга мувофиқ бўлмаган ҳолатлар ҳам қайд этилган. Масалан, **«Озода» хусусий фирмаси «Пахтабанк»нинг Охунбобоев бўлими**га дори-дармон сотиб олиш мақсадида 2 миллион сўм кредит ажратишни сўраб мурожаат қилганда, банк томонидан унга рад жавоби берилган.

**«Пахтабанк»нинг Балиқчи бўлими**да ҳам кредит сўраб мурожаат қилган мижозларга «кредит ресурслари вақтинча йўқ», деган важ билан рад жавоби берилган.

**«Тадбиркорбанк»нинг Шаҳрихон бўлими**да эса кредит ажратиш жараёнининг жиддий равишда бузилиш ҳолатларига йўл қўйилган.

**«Тадбиркорбанк»**нинг **Балиқчи бўлими** «Жавоҳир» хусусий фирмасининг 1 миллион сўм кредит ажратиш ҳақидаги аризасига (2000 йил, 27 март) олди-сотди шартномани тақдим этилмаганлиги ҳамда банк устав жамғармасида мижознинг улуши йўқлиги рўкач қилиниб, унга рад жавоби берилган. Шундай ҳолатлар «Гулистон» фирмаси, «Шоҳжаҳон» савдо корхонасининг кредит сўраб мурожаат этганларига нисбатан ҳам такрорланган.

* * *

Бозор муносабатлари ҳар қандай вазиятда ҳам эркин фаолият юритишни тақозо этади. Тадбиркорлик фаолияти кўп жиҳатдан таваккалчиликка асосланади. Тадбиркор умид, ишонч ва иштиёқ билан ўз омадини синаб кўришга интилади. Сир эмаски, тадбиркор баъзи ҳолларда шунчалик ортиқ даражадаги расмиятчиликларга дуч келадики, бундан унинг иштиёқи сўниб қолиши ҳеч гап эмас. Тадбиркор қандай қилиб бўлса-да, ўзига йўл очиш, имкониятини намойиш этишга ҳаракат қилади. У ҳар қандай вазиятда ҳам рақобатга дуч келади. Мана шу алоҳида-алоҳида тадбиркорлар ўртасидаги рақобат иқтисодиётнинг ривожланишига қудратли омил бахш этади.

Энди масаланинг иккинчи томонига назар ташлайлик. Тадбиркор шу фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи юридик ҳужжатларни расмийлаштириш ва фаолиятини юритиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари билан муносабатга киришади.

Бу жараён мантиқан шундай кечади: маҳаллий ҳокимият идораларида тадбиркорга кимдир хайриҳоҳлик билдирса, кимдир сунъий тўсиқлар яратишга ҳаракат қилади. Иккинчи тоифага мансуб бўлган бюрократлар ўзларича турли-туман «қоида»лар жорий этишади. Ва турган гап, тадбиркорга ўз «қонун-қоида» ва «тартиб»лари доирасида «раҳбарлик» қилишга ҳаракат қилишади. Тадбиркорнинг бахти шундаки, барибир (эртами-кечми) унга йўл очилади. Тўғрироғи, қонунларимиз уларни ҳимоя қилади. Лекин афсуски, баъзи ҳолларда ғишт қолипдан кўчган, вақт имконияти бой берилган бўлади. Мантиқий бир савол бизни қайта-қайта безовта қилади: нима учун баъзи мансабдор шахслар тадбиркорларни бўлар-бўлмасга сарсон-саргардон қилади? Бунинг сабаблари турлича. Аслида эса гап мулкчиликка бориб тақалади. Мансаб курсисида ўтирган бюрократ ўзини «хўжайин» деб ҳисоблайди. Айтайлик, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси ўзини шундай ҳис қилади. «Ҳалиям ҳамма нарса менинг ихтиёримда бўлиши керак», деган эскича кайфият унинг миясига ўрнашиб қолган. Қисқаси, бозор муносабатларини шакллантириш жараёни, аввало, тафаккуримиз, ҳуқуқий онгимизнинг нечоғли тайёргарлигига боғлиқ.

**Хусан ИБРОХИМОВ**

**Ширкат хўжалиги умумий йиғилиши деҳқонга ер беришга қарор қилди, лекин Косон туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Шомурод Донаев унга имзо қўйишдан нега бош тортди?**

Шомурод ака қизишиб турган экан шекилли, суҳбатимиз бошланиши билан бирдан "ёрилди".

- Мен, Жўраев Шомурод бундан роппа роса 50 йил бурун Мудин қишлоғида туғилганман. Ота-онам ҳам шу далада ишлаб, тирикчилик қилган. "Волга" олиб, ҳайдовчилик ҳунарини эгаллаган бўлсам ҳам, асли шу даланинг, пахтанинг одамиман. Ердан кўнгил узиб кетолмайман. Хотиним Гулнора ҳам шу далада вояга етган. Худо берган икки ўғил, уч қизимнинг дояси ҳам шу дала. Уч йилдан бери хўжаликдан ижарага уч гектар ер олиб пахта экамиз. Ҳар йили режани ошириб бажарамиз. Еримиз хўжаликнинг чеккасида. Яна икки гектар қўшимча ер очиб, 5 гектарга етказдим. Шундан сўнг хотиним, болаларимни жамлаб, маслаҳат солдим. Далада ишласак, чинакамига ишлайлик. Президентимиз, ҳукуматимиз деҳқоннинг ёнини олиб, қўллаб-қувватлаб турибди. Деҳқон фермер хўжалиги тузсак, худо хоҳласа, кам бўлмаймиз, - дея оиламиз билан гапни бир жойга қўйиб, "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги раисига ўша ерни бизнинг ихтиёримизга беришларини сўраб, ариза ёздик. Бу — ўтган йил ноябр ойининг гапи. Раисимиз Қ. Раҳимов хўжаликда кенгаш чақириб, аризамизни маъқуллади. Фуқаролар йиғини ҳам ниятимизни қўллаб-қувватлади. Бўлажак фермер хўжалиги номини яхши ният билан ўғлимиз Равшанбек номига қўйдик.

Ҳамма ишлар рисоладагидек кечаётганди.

Косон тумани "Ўзбекистон" ширкат хўжалигининг 2000 йил 24 ноябрдаги умумий йиғилишида унинг аризаси атрофлича муҳокама қилинган.

Жумладан, хўжалик умумий йиғилиши қабул қилган қарорда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори асосида хўжаликда ишлаб келаётган Шомурод Жўраевни "Равшанбек" деҳқон-фермер хўжалиги тузиш мақсадида ариза билан мурожаат қилганлиги, ушбу аризани ўрганиб чиқиб, унга ер беришни мақсадга мувофиқ деб топилганлиги, ижарага берилаётган ерда Шомурод Жўраев кўп йиллардан бери деҳқончилик қилиб келаётганлиги, 2000 йилда бу ерга пахта экиб, жами 402 минг 700 сўм харажат қилиб, 460 минг 400 сўм даромад олганлиги, натижада 57 минг 700 сўм соф фойда келтиргани қайд этилган. Сўзга чиққан хўжалик ер тузувчиси Ғ.Раҳимов, бош ҳосилот Ш.Тўрақулов, бригада бошлиқлари Ж.Йўлдошев, Р.Қувватовлар ҳам юқоридаги таклифни қўллаб – қувватлаганди.




Хуллас, умумий йиғилиш ер беришга қарор қилди. Шомурод аканинг кўнгли тоғдек кўтарилади. Гўё 60 йил муддатга ижарага ер олгандай бўлади.

- Шундан кейин қўлимда қоғоз тўла папка кўтариб, гўё фермер бўлиб, ўтган йилнинг декабр ва 2001 йилнинг январ, феврал ойларида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, туман ҳокимлигига қатнаб имзо тўпладим, - дейди Шомурод ака. - Ҳамма азоб шундан кейин бошланди. Эшикма-эшик юриб ҳужжат тайёрладим.

Шундан сўнг фермер хўжалиги тузиш ва унга ижарага ер бериш тўғрисида Косон туман ҳокимлиги комиссиясининг хулосаси тайёрланди. Шу хулоса бўйича "Равшанбек" фермер хўжалиги тузилади ва ҳокимлик рўйхатидан ўтказилади. Тегишли тўртта ташкилот бошлиқлари ҳам хулосага имзо чекди.

Бироқ туман ҳокимининг биринчи ўринбосари - ҳал қилувчи имзони қўядиган Шомурод Доноев номаълум сабабларга кўра имзо қўймади.

- Туман ҳокимлигига қатнашдан армоним қолмади, - дейди Шомурод ака. - Аммо Донаев барибир имзо чекмади. Бунинг сабаби менга қоронғи. Нега? Нима учун? Ҳали-ҳанузсабабини билолмайман. Бу орада икки ойдан зиёд вақт ўтди. Фермер бўлолмадим. Бутун оиламизнинг умиди пучга чиқди. Бироқ қадрдон даламиздан айрилигимиз келмади. Яна хўжалик билан ўша 3 гектар майдонга пахта экиш ниятида пудрат шартномаси тузиб, чигит қададик. Ҳозир ғўзаларимиз гуркираб ўсаяпти. Деҳқонни даладан айирмасин экан!

Ҳа айтгандай, дўсту биродарлар маслаҳати билан вилоят адлия бошқармасига ҳокимнинг биринчи ўринбосари мени сарсон-саргардон қилганлиги ҳақида ариза билан мурожаат этдим. Менинг аризам инобатга олиниб, Косон туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритилди. Суд Ш.Донаевдан менга 20 минг сўм маънавий зарар ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Ҳали бу пул қўлимга текканича йўқ. Лекин минг шукрки, адолат бор экан. Энди фермер хўжалиги ташкил этиш борасидаги ишларим ҳам юришиб кетди.

Хуллас, Шомурод ака фермер хўжалиги тузолмай, ер ололмаса ҳам қадрдон даласидан воз кечгани йўқ.

Унинг эртага албатта ер олишига, ўша ердан юқори ҳосил кўтаришига, қадоқ қўлларидан доимо гул унишига ишонгимиз келади. Зеро, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларимизнинг асоси деҳқон манфаатларига қаратилган.

**Ғози РАҲМОН,**
**"Инсон ва қонун"нинг махсус мухбири**



*Сирдарё: мустақиллик йилларидаги бунёдкорлик*

*Адлия тизими*

## ҚАШҚАДАРЁ

Вилоят тадбиркорлик субъектларига тарқатиб берилган «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» адлия бошқармаси ходимларининг доимий назоратида. Яқинда Қарши шаҳридаги «Ал-Исломбек» фирмасида вилоят электр тармоқлари корхонаси томонидан ноқонуний текшириш ўтказилганлиги аниқланди. Бу тадбиркорнинг қонуний манфаатларини Г.Анваров ва Ш.Турдиевлар етказган моддий ва маънавий зарарни тўлаш ҳақида Қарши туманлараро фуқаролик судига даъво ариза киритилди. Ариза кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди.

# ФЕРМЕРЛАРНИНГ ЧИРОЙИ ОЧИЛДИ

Самарқанд вилояти Адлия бошқармаси ходимлари туманларда "Тадбиркорлар қабули " ни ташкил эта бошлади. Шундай тадбирлардан бири Булунғур туманида бўлиб ўтди.

Учрашув дастлаб тадбиркорларнинг бироз ишончсизлиги, ўпка-гинахонлиги билан бошланди. Бунинг сабаби кейинроқ ойдинлашди. Фермерлар турли корхоналарга шартномага асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширишган. Бироқ қабул қилувчи корхона томонидан махсулот пуллари тўланмаган. Оқибатда адлия бошқармаси орқали ёки тўғридан тўғри хўжалик судига моддий зарарни ундириб беришни сўраб даъво аризаси киритилган. Хўжалик суди дебитор қарзни ундириш бўйича ҳал қилув қарори чиқарган. Бироқ, жавобгарнинг банкдаги ҳисоб рақамида маблағи йўқ. Суднинг ижро варақаси топширилганига, инкассага қўйилганига қармасдан хаққини оладиган кўринмайди.

-Хўжалик судига мурожаат қилишдан олдин, -дейди " Тадбиркорлар қабули"да иштирок этган вилоят хўжалик суди судьяси Миржамол Миркамолов,- маҳсулот қабул қилган корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамида маблағи бор йўқлигини аниқлашингиз керак эди.- Энди унинг маблағи йўқлиги ҳақида банкдан маълумотнома олиб, судга корхона мол-мулкидан ундириб бериш тўғрисида даъво аризаси ёзишингиз мумкин. Агар бу ишни адлия бошқармаси орқали бажарсангиз суд харажатлари тўлашдан озод бўласиз. Корхона мол-мулкидан ҳақини ундириб олиш мумкинлигини эшитган фермерларнинг чиройи бирдан очилди. Айримлари ўрнидан туриб, ҳақларини ундиришда ана шу ҳуқуқий жиҳатни билмаганликларини тан олишди. Суд ижро варақаси муддати олти ой эканлигини билишгач, ҳатто вақт ўтиб кетаётганлигидан қимирлаб ҳам қолишди. Тумандаги "Фозил", "Замин", "Хожитўра Ҳайдар", "Оқчашма", "Янги қишлоқ" сингари фермер хўжаликлари раҳбарлари топширган маҳсулотлари пулларини ололмай калаванинг учини йўқотиб қўйишган. Ахир 2-3, ҳатто тўрт миллион сўм атрофидаги сармояси корхонада музлаб ётса, ишни ривожлантиришга қўл калталик қилса, бундан ёмони борми?

Даврада иliқлик, бир-бирини тушуниш пайдо бўлди. Фермерлар тадбиркорликка тўсиқ, тўғаноқ бўлаётган иллатларни ошкора айтишга ўтишди.

-"Янги қишлоқ" фермер хўжалиги раисиман, - дея ўзини таништирди Эрмат ака Жабборов,- ширкат хўжалиги билан менинг далам ёнма-ён жойлашган. Ўтган йили ширкат хўжалиги даласидан гектаридан 22 центнердан, биз эса 60 центнердан ғалла ҳосили олдик. Минерал ўғит тақсимотига қолганда бизга ўгай кўз билан қарашади. Йил бошида туман "Кимё" ўғит таминлаш корхонасига 100 минг сўм пул кўчириб берган эдим. Бироқ , йилнинг беш ойи ўртасида ўғит беришмади.

- Биз фермерлар "Кимё" ўғит таъминлаш корхонаси билан шартнома тузганмиз ,- дея унинг сўзини давом эттирди "Беҳзодбек" фермер хўжалиги раиси Қобил ака Мамарасулов, – лекин, фермерларга иккинчи даражали деб қарашади. Ғалла ўрим пайти келди ҳамки, ғаллага ўғит беролганимиз йўқ.

Юқоридагилар ва бошқа фермерлар фикридан маълум бўлдики, "Кимё" ўғит таъминлаш корхонаси раҳбарлари столда номигагина ўтиришибди. Аслида корхонага келтирилган ўғитни ҳокимликдаги раҳбарлар тақсимот қилишади.

Минерал ўғитлар билан таъминланмаслик , умуман шартнома шартларининг бажарилмаслигидан етказилган моддий зарар ўша корхона раҳбарларининг ҳамёнидан суд тартибида ундирилади.

"Тадбиркорлар қабули"да фермерлар, хусусий тадбиркорлар адлия бошқармаси етакчи мутахассисларидан шартномаларни бир томонлама бекор қилиш, қарзларни ундириш, банкдан кредит олиш тартиблари сингари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Фермерлар судларга моддий зарарларни ундириб бериш учун адлия ходимларига ҳужжатлар топширишди.

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**




*Сирдарё: мустақиллик йилларидаги бунёдкорлик*

# ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛИНГ, «ЁШУЛЛИ!»

Ўтган йил Шовот туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги аъзолари 170 гектар майдонда буғдой ўстириб, унинг ҳар гектаридан 57,6 центнер ҳосил олдилар. Режада эса гектарига 43 центнер хирмон кўтариш мўлжалланганди. Даромад ҳам, албатта, хирмонга яраша: 22,9 миллион сўмлик ялпи сармоянинг 1,3 миллион сўми соф фойдадан иборат. Бу ҳақиқатдан ҳам фахрланса арзийдиган натижа ва нафақат туманда, балки вилоятда эришган энг юқори кўрсаткичларнинг бири. Бироқ...

...Ширкат хўжалиги пудратчиси Қурбонназар Тожиевнинг шикоят хатидан:

***«Ширкат хўжалиги бошқаруви билан тузилган пудрат шартномасига мувофиқ 2000 йил 2,5 гектар майдонда буғдой ўстириб, 11 тонна ғалла топшириш мажбуриятини олдим. Бу мажбуриятни 11,9 тонна қилиб бажардим. Яъни шартномада кўрсатилганидан ҳам 900 кило ҳосилни кўп топширдим. Шундай қилиб, мен шартноманинг шартларини тўла бажардим. Лекин ширкат хўжалиги бошқаруви ўз мажбуриятини ҳалигача бажармади. Орадан деярли бир йил ўтса-да, иш ҳақимни ололмаяпман. Хўжалик раҳбарлари ваъда беришдан нари ўтишмайди».***

Тожиевнинг шикояти сабаб хўжаликдаги вазиятни ўргандик. Ширкат аъзолари 2000 йилдаги сув танқислиги ва қурғоқчилик шароитида ҳам ғалладан мўл ҳосил ва мўмай фойда олишганини чинакам шижоаткорликка йўйдик. Сармоя сарф-харажатларни қоплабдими, қоплабгина қолмай ортиб ҳам қолибдими, демак, қарздорликка ўрин йўқ. Ундай бўлса пудратчи Тожиевга тегишли пул қаёқда, унинг меҳнат ҳақини нега тўлашмади? Суриш-кузатишлардан аён бўлдики, хўжаликнинг супраси қуруқ. Тегишли ташкилотлар бир йил муқаддам харид қилинган доннинг пулини хўжаликка аллақачон тўлашган. Бироқ бу пул айрим пудратчилар олдидаги қарзни узиб, зиммадаги шартномавий мажбуриятни бажо келтириш эмас, балки бошқа эҳтиёжларга харжлаб юборилган. Хўжалик «ёшулли»лари уларнинг илтижо-илтимосларига қўл силташган.

Фақат вилоят адлия бошқармаси ҳам ҳамда «Инсон ва қонун» газетаси мухбирининг аралашувидан сўнг хўжалик пудратчининг 99 минг сўм миқдордаги иш ҳақини ҳаялламасдан тўлайдиган бўлди.

Шу билан мақолага нуқта қўйса ҳам бўлаверарди. Аммо бошқа бир мулоҳазадан сўнг суриштирувни давом эттиришга қарор этдик. Хўжаликка мўл сармоя келтирган ғалланинг ҳақини тўлаш шу қадар қийин кечса, зиён билан якунланган соҳаларнинг аҳволи не кечаётган экан? Хўжалик ўтган йил биргина пахтачиликнинг ўзидан 44, лавлагичиликдан 1,44 миллион сўм зиён кўрди. Айнан шу ҳолат қаламкаш ва ҳуқуқшунос сифатидаги кузатувимизга асос бўлди.

Рақамлар чиндан ҳам ўжар. Ўжарлиги шундаки, уни на ўзгартириб, на инкор этиб, на эътибордан соқит қилиб бўлади. Ана шундай нохуш рақамлардан бири: 18 миллион сўм. Бу хўжаликнинг ижарачи ва пудратчилар олдидаги қарзи. Таъкидлаш жоизки, бу оддий рақам эмас. Унинг замирида шартномавий мажбуриятларни бир томоннинг бажаргани-ю, иккинчи томоннинг эса мутлақо бажармаганлиги акс этади.

Хўш, хўжалик раҳбарияти жонини жабборга бериб меҳнат қилган, сувсизлик ва қурғоқчилик оқибатларини мардонавор енгган ва пировардида сўзининг устидан чиққан замин соҳибининг олдидаги мажбуриятини нега уддаламаяпти?

Балки хўжалик «ўтириб» қолгандир, балки ғазнани ўғриургандир? Йўқ, бундай кўргуликдан Яратганнинг ўзи асрасин: унисиям, бунисиям ҳам рўй бергани йўқ. Ҳамма гап хўжасизликда, мулкни оқилона ва одилона бошқара олмасликда. Ҳозир хўжалик бошқарувидан ва пудрат шартномаларини тузганлардан бўлак ҳеч ким «қарзимни бер» дея қисталанг қилаётгани йўқ. Негаки, давлатимиз қуйи Амударё минтақасида деҳқончилик билан шуғулланаётган барча хўжаликлар қатори «Гулистон» ширкат хўжалигининг ҳам қарийб 50 миллион сўмлик кредиторлик қарзи тўловлари муддатини оз эмас, нақ 2007 йилгача узайтирди. Ғамхўрлик ва раҳнамолик бундан ортиқ бўлмайди. Аграр соҳанинг қад ростлаши ва ривожланиши учун давлатимиз шу қадар кўп жон куйдираётган экан, бу каби ғамхўрлик намуналари қадоқ қўлли деҳқонга жойларда хўжаликлар мутасаддилари томонидан ҳам намоён этиляптими? Хўжаликлар ҳукуматимизнинг ана шу мурувватидан сўнг ҳам ўз гарданидаги якка-ю ягона мажбурият — иш ҳақи бўйича ҳосил бўлган қарзларни наҳотки уза олмаса? Бизнингча, уни узиш йўли бор, боз устига жуда жўн йўли мавжуд. Ички имкониятларни ишга солишнинг ўзи кифоя. Таассуф, аксарият хўжаликлар, шу жумладан, «Гулистон»да ҳам ана шу юқорида таъкидланганидек, оқилона ва омилкорона бошқарув усулларининг танқислиги сезилади.

Аммо хўжалик «ёшулли»ларининг буни тан олгилари йўқ. Улар ҳатто иш ҳақи бўйича ҳосил бўлган қарзни узишнинг антиқа усули «кашф» этилганини ўзларича мамнуният билан айтиб беришди. «Ёшулли»ларнинг сўзига қараганда, шу пайтгача хўжалик чорва фермасининг 7,3 миллион сўм қийматидаги қорамоллари одамларга иш ҳақи тарзида бериб юборилган. Яқин ҳафталар ичида нархи 10 миллион сўмга етадиган яна 200 бош мол иш ҳақи эвазига хом талош этилади.

Вазиятдан қутулишнинг чораси шу бўлса, хўжаликда бирни иккига дўндиришга ким кафолат беради? Тадбиркор, эртанги кунни ўйлаган одам ҳеч қачон бундай йўл тутмайди. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, эртага хўжаликда чорванинг ҳоли не кечади?!

Яқинда Боғот туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигига йўлимиз тушди. Кун охирлаб қолганди. Идора олдида кимнидир пойлаётган 10 чоғли кишига кўзимиз тушди. Шу ерлик танишларимдан бири ҳам улар орасида эди:

- Кассирни кутаяпмиз, пул топшириб кетмоқчи эдик, - деди у.

- Ие, одамлар кассирни пул олиш учун пойлашса, сизлар пул топшириш учун пойлайсизларми? - бизнинг ҳазил аралаш саволимизга суҳбатдошимиз жиддий оҳангда жавоб қилди:

- Раисимиз кичиккина бўлса-да, ғишт тайёрлаш цехини қуриб, ишини юргизиш ва пул эвазига хизмат кўрсатишни менга юклади. Ҳар куни шу маҳалда пул топширишга келамиз.

- Бошқалар-чи?

- Бошқалар ҳам пул келтиришади: хўжаликнинг ўз дўконлари, аҳолига хизмат кўрсатадиган устахоналари, меваларга тўла боғлари, полизлари бор. Баҳоли қудрат кўмагимиз тегиб турибди.

Бу хўжаликда авваллари ҳам кўп бора бўлганмиз. Идора олдида ҳар гал пул олиш илинжида келган одамларга дуч келардик. Энди эса юқорида айтганимиздек, одамлар бу даргоҳга пул олиш билан бирга топшириш учун ҳам кўплаб келишаяпти.

Бундай омилкорлик, эртанги кун нафаси билан яшаш, афсуски, «Гулистон»да учрамайди. Хўжаликдаги қарздорлик муаммосининг бир учи шунга бориб тақалаётганини илғаб олиш қийин эмас. Ҳафсала қилинса, қарздорликни бартараф этишнинг бошқа йўллари ҳам бор. Бу иш ҳақини ижара ёки пудрат шартномасида қайд этилганидек, нақд пул билан эмас, балки натура (мол ва маҳсулотлар эвазига) тўлаш усули. Суриштирув чоғида масаланинг бу жиҳатини ҳам ўргандик. Хусусан, ширкат хўжалиги бошқаруви ва пудратчилар ўртасида пахта ҳосили етиштириш бўйича тузилган шартномаларни бажаришнинг аҳволи билан қизиқдик. Маълумингизким, режани уддалаган ҳамда шартномадагидан кўп ҳосил сотган ижарачи ва пудратчилар пахтанинг чигитидан ишлаб чиқарилган ёғ, кунжара, шелуха маҳсулотлари билан рағбатлантирилдилар. 2000 йили хўжаликда шартнома мажбуриятини уддалаганлар «Урганч-ёғ» корхонасидан жами 40,4 тонна пахта ёғи, 189,7 тонна кунжара, 109 тонна шелуха олиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. «Урганч-ёғ»да тайёрланган кунжара ва шелуханинг бари истеъмолчиларга тарқатилди. Бироқ «Гулистон» ширкат хўжалиги ўтган давр мобайнида корхонадан ўзига ажратилган пахта ёғининг атиги 20, кунжаранинг 37,8, шелуханинг 22,9 фоизинигина олган, холос. Хўжаликнинг тўлов имкониятлари ана шу арзимас маҳсулотлар харидигагина кифоя қилган. Иш ҳақи тўловлари барбод бўлишининг бир сабаби шу. Бошқа сабаби, ижарачи ва пудратчиларга тегишли маҳсулотларнинг ўз эгалари қўлига тўлиқ етиб бормагани билан изоҳланади. Гап шундаки, ўтган йил ҳосили ҳисобидан ижарачи ва пудратчиларга берилиши лозим бўлган пахта ёғининг 391, кунжаранинг 310 минг 783, шелуханинг 10 минг килоси ҳақиқий эгалари қўлига етиб бормаган. Хўжаликдан олинган маълумотномада айтилишича, ёғ, кунжара ва шелуханинг бир қисми чорва фермасига бериб юборилган.

Манфаатдорлик — ютуқлар калити. Меҳнат қилган киши манфаат излаши табиийдир. Башарти у бунга эришолмаса, пировардида ишига қўл силтайди. «Гулистон» ширкат хўжалиги мутасаддилари, авваламбор, раис Рустам Жуманиёзов тирикчилик, бозор муносабатларининг бу оддий қоидаси, тамойилини билмайдими? Аммо ҳозирги вазиятда уни билишдан наф йўқ. Юзага келган ғуж-ғуж муаммоларни изчил бартараф этмоқ учун қатъий саъй-ҳаракатлар зарур.

**Шуҳрат ЎРОЗМЕТОВ,**
**вилоят адлия бошқармаси шартномалар назорати бўлими бошлиғи,**
**Абдулла СОБИРОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

# ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

МДҲ доирасида жиноятчиликка қарши кураш масаласига эътибор кучаймоқда. Минскда қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасидан ташқари, маданий ёдгорликлар, осори атиқа, рангли металлар, акциз солиғи солинадиган маҳсулотларнинг ғайриқонуний ташилиши, шунингдек, қонунга хилоф миграция, давлатларни боғлайдиган катта йўллардаги жиноятчилик, автомобиллар билан боғлиқ жиноий бизнесга қарши қўшма операциялар ўтказиш борасида келишиб олинди.

Иқтисодий соҳада, Эркин савдо зонаси барпо этиш ҳақидаги ҳужжат 1994 йилда имзоланган бўлса-да, ҳали ҳам кучга кирмаганини таъкидламоқ жоиз. МДҲнинг ҳар саммитидан кейин ана шу камчилик танқид қилинарди. Ҳозир бу борада баъзи силжишлар бўлиши мумкин, лекин шундай фойдали ҳужжат, етти йилдирки, ҳамон ишламаётгани ғоят ачинарли.

Яна бир масала хавфсизлик мавзуига оиддир. Ислом Каримов ЕХҲТнинг 1999 йил ноябрда Истанбулда бўлган саммитида БМТ раҳнамолигидаги Аксилтеррор маркази тузиш ташаббусини илгари сурган эди. Орадан кўп ўтмай, МДҲ саммити бўлди ва унда Ҳамдўстлик доирасида шундай муассаса тузиш ҳақида гапирилиб қолди. Кейин уни таъсис этиш ҳақидаги келишув тўғрисида протокол имзоланиб, жараён фаоллаша бошлади. Бироқ, ҳозир айрим давлатлар ўзини Аксилтеррор маркази билан МДҲ Коллектив хавфсизлик кенгаши ўртасидаги фарқни англамагандек тутмоқда. Очиқ айтганда, Коллектив хавфсизлик шартномаси билан Аксилтеррор марказига соя солиш ёки бу марказни эътиборсиз қолдиришга, уни қоғозда бору амалда ишламайдиган муассасага айлантиришга уриниш бордек.

Албатта, тўғри ва самарали фойдаланиш йўлга қўйилса, Коллектив хавфсизлик шартномасининг ҳам аҳамиятини рад этиб бўлмайди. Лекин, долзарблик нуқтаи назаридан қараганда, Аксилтеррор марказининг мақсад ва вазифалари янада муҳимдир. Коллектив хавфсизлик кенгашининг шу йил май ойида Ереванда бўлган йиғилишида уч йўналишда (Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё) тезкор йиғилувчи кучлар ташкил этишга келишилди. Лекин МДҲнинг Минск саммитида Аксилтеррор маркази ишини фаоллаштириш борасидаги масала муҳокама қилинмагани ачинарли ҳолдир.

Хавфсизлик масаласи - ҳар саммитда диққат марказида турадиган асосий мавзу. Давлатлар раҳбарлари Минскда буни тасдиқлади. Лекин ҳозир асосий хавф-хатар террор, диний экстремизм ва миллий айирмачиликдан келар экан, биринчи галда, бор имкониятни ана шу таҳдиднинг олдини олишга қаратиш тўғри бўларди. Президент Ислом Каримов Минскка кетаётиб берган интервьюсида, биз учун саммитда кўрилиши керак бўлган асосий масала хавфсизлик билан боғлиқ эканини бежиз таъкидламади. МДҲга ҳам, Европа ва дунёнинг бошқа минтақаларига ҳам хавф солаётган терроррнинг йўлига Марказий Осиёда туриб тўсиқ қўйиш энг маъқул йўлдир.

Шундай қилиб, Ҳамдўстликнинг яна бир саммити ортда қолди. У тузилманинг, аъзо давлатлар ўртасида баъзи масалаларда фикрлар ва қарашлар ҳар хиллигига қарамай, ривожланиш йўлидан бораётганлигини яна бир бор намоён этди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
**Тошкент-Минск-Тошкент**





*Адлия тизими*

## СИРДАРЁ

**Вилоятда 6293 та хўжалик субъекти фаолият кўрсатмоқда, уларда 142160 киши меҳнат қилаётир. Шундан 5411 таси кичик ва ўрта тадбиркорлик субъекти, 2765 таси эса фермер хўжаликларидир.**

***

**Вилоят адлия бошқармасига 44 та ариза ва шикоят келиб тушган, шундан 13 таси шартнома шартларининг бажарилмаётганлиги бўйича, 9 таси банклардан ўз вақтида кредит ололмаётганлиги юзасидан, 17 таси тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишиги оид, 5 таси эса фермер хўжаликларига ер берилмаганлиги хусусида. Ушбу аризаларнинг 25 таси қаноатлантирилиб, 10 таси бўйича тушунтириш берилди.**

*Қонунлар тарихи*

# ГЕРМАНИЯ: ЖАЗО ЧОРАЛАРИ

Кишиларнинг маълум даврларда жиноий деб қаралган хатти-ҳаракатлари вақтлар ўтгач, турмуш шароитларининг ўзгариши натижасида жиноят деб ҳисобланмаслиги, одатий ҳол даражасига тушиб қолиши мумкин. Ва аксинча, бир вақт одатий ҳол ҳисобланган хатти-ҳаракатлар вақтлар ўтиши билан жиноят ҳисобланадиган бўлиб қолиши ҳам мумкин. Ахлоқсизликка қарши қаратилган жиноятлар-чи? Жиноятнинг бу тури ҳақида нима дейиш мумкин? Ҳуқуқшунос олим З.М.Черниловскийнинг ёзишича, қадимги Герман ҳуқуқи бўйича номусга тегиш оригинал, яъни ўзига хос жиноятлардан бири ҳисобланиб, унда қатнашган ҳар бир шахснинг боши танидан жудо қилинган. Шундай жиноят содир этилган уй ҳам бузиб ташланган. Бундан ташқари, агар эркин аёл қул билан жинсий алоқа қилса, ўлим жазосига маҳкум этилган. Аммо уйланган ва бўйдоқ эркакларнинг ўз ҳарамларида чўриларини сақлаши таъқиқланмаган. Эркин, бой-бадавлат эркаклар ўз ҳарамларида чўрилар сақлаганликлари тўғрисида маълумотлар бор. Шундай ҳуқуқий тенгсизлик ҳолатида эр-хотинлик садоқатини бузган, яъни фоҳишалик билан шуғулланган аёллар ҳам бўлган. Афинада бундай аёллар уйдан ҳайдаб юборилган. Уларга турли тақинчоқлар тақиш, черковга бориб, ибодат қилиш таъқиқлаб қўйилган.

1532 йилда қабул қилинган «Каролина», яъни қирол Карл V нинг ҳуқуқ соҳасидаги йўл-йўриқлари қадимги Герман жиноят ҳуқуқи тарихида жуда катта аҳамият касб этган. Ушбу йўл-йўриқларга биноан номусга тегиш жинояти никоҳ ва оилага қарши қаратилган жиноятлар гуруҳига киритилган. Шу сабабдан «Каролина»ни ўша даврнинг ўзига хос Жиноят кодекси деб аташ мумкин. Ушбу кодексга биноан номусга тегиш жиноятини содир этганларнинг боши танидан жудо этилган. Агар аёл киши қилган суюқоёқлигини яшириш учун янги туғилган чақалоғини ўлдирса, тириклайин кўмиб, устидан қозиқ қоқиш жазосига гирифтор этилган. Табиий жинсий алоқага риоя қилмасдан жинсий алоқа қиладиган бесоқолбозлар одатга кўра гулханда ёндирилган. Эркак кишининг эркак билан жинсий алоқа қилиши умуман барча даврларда қораланган. Ҳаттоки Қуръони каримда ҳам бу тўғрида шундай оятлар бор: «Лут (пайғамбар) ўз қавмига қарата: «Шундай бузуқлик қиласизларми?» Ахир, сизлардан илгари бутун оламлардан бирон кимса бундай қилмаган эдику?! (Наҳотки) сизлар хотинларингизни қўйиб, нафсингизни қондириш учун эркакларга борсангиз? Йўқ, сизлар ҳаддан ошувчи қавмдирсиз», деганини эсланг. (7-сура. 80-81 оятлар).

Карл V йўл-йўриқларида юқорида тилга олинган жиноятлардан ташқари қуйидагилар ҳам ўз ифодасини топган: қариндошлар ўртасида жинсий алоқа (117-модда), эрга теккан ёки ёш қизни эри ёки отасининг розилигисиз олиб кетиш (118-модда), ёш қизнинг, эрга теккан аёлнинг ёки бева аёлнинг номусига тегиш (119-модда), шаҳвоний ҳаракатлари (120-модда), қўш никоҳли бўлиш (121-модда), қўшмачилик (122-123). Бундай жиноятлар учун ҳам ўша даврларда ўлим жазоси назарда тутилган.

XVIII асрда Германия жиноят қонунчилигидаги жинсий жиноятлар тизими янада кенгайтирилди ва эркак ҳамда аёлларнинг жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришлари, яъни онанизм, некрофилия, ҳайвонлар билан жинсий алоқа қилишлари жиноят тизимига киритилди.

Ҳозирги кунда Германия жиноят қонунчилигидаги жинсий жиноятлар тизими анча мураккабдир. Бундай жиноятлар Германия Жазо кодексининг ўн учинчи бобида ўз ифодасини топган бўлиб, бу боб «Жинсий эркинликка қарши жиноятлар» деб аталади. Ушбу бўлимнинг 174-параграфида «Васийликка олинган шахсларнинг жинсий эркинлигини суиистеъмол қилиш» жинояти кўриб чиқилади. Унга кўра, кимки таълим-тарбия ёки турмушда раҳнамолик қилиш учун ўзига ишониб топширилган, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан;

тарбия, таълим учун ёки турмушда раҳнамолик қилиш учун ўзига ишониб топширилган ёки меҳнат муносабатлари доирасида ўзига бўйсундирилган, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс билан, унинг тарбия, таълим соҳасида, раҳнамолик, хизмат ёки меҳнат муносабатлари билан боғлиқ қарамлигини суиистеъмол қилган ҳолда ёки;

ўзининг ўн саккизга тўлмаган туғишган ёки асранди фарзанди билан жинсий алоқа қилса ёки васийликка олинган шахсни ўзига нисбатан фаол жинсий алоқа қилишга мажбур этса беш йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси ёки пул жаримаси билан жазоланади;

Юқорида кўриб чиқилган ҳолатларда кимки ўзининг ёки васийликка олинган шахснинг жинсий нафсини уйғотиш учун уятсиз-бузуқ шаҳвоний ҳаракатлар содир этса;

васийликка олинган шахсни уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этишга мажбур қилса уч йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси ёки пул жаримаси билан жазоланади;

шундай ҳаракатлар учун суиқасд қилинган тақдирда ҳам жавобгарлик масаласи кўрилади. Аммо бундай ҳаракатларни содир этган шахсга нисбатан жазо тайинлашда суд васийликдаги шахснинг хатти-ҳаракатларини кўриб чиқиб, ҳаракатларнинг ғайриқонунийлиги кам деб топса, жазо қўлланилмаслиги мумкин.

Ушбу 13-бобда бундан ташқари, «Озодликдан маҳрум қилинган шахслар ёки касалхоналардаги касалларга нисбатан фаол ёки нофаол (пассив) жинсий ҳаракатлар қилиш» (174 «а»-§), «мансаб ваколатидан фойдаланиб, фаол ёки пассив жинсий ҳаракатлар қилиш» (174-§), «болаларга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш» (176-§) каби жиноятлар ва улар учун бериладиган жазолар кўриб чиқилган. Германия Жазо кодекси бўйича кимки бола билан фаол ёки пассив жинсий алоқа қилса, олти ойдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси билан, оғир бўлмаган ҳолларда эса беш йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси ёки пул жаримаси билан жазоланади.

Болани учинчи бир шахс билан фаол ёки пассив жинсий алоқа қилишга мажбур қилган шахсларга ҳам худди шундай жазолар берилади.

Кимки бола олдида жинсий алоқа қилса, болани жинсий алоқа қилишга мажбур қилса, болага турли ахлоқсиз фотосуратлар ёки расмлар кўрсатиб, бузуқ қилиқлар билан таъсир ўтказса, беш йилгача озодликдан маҳрум қилинади. Умуман олганда, Германиянинг Жазо кодексидаги 13 боб, 24 та параграфдан ташкил топган бўлса-да, шуларнинг фақат иккитасида умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган. Биринчидан, айбланувчи зўрлаш натижасида боланинг ўлимига сабабчи бўлса ва иккинчидан, зўрлаш натижасида зўрланувчи (қурбон)нинг ўлимига сабабчи бўлса, умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм этилади. Аммо ҳар икки ҳолда ҳам жазо енгиллаштирилиши ва айбдор ўн йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Ҳозирги кунларда бериладиган жазоларни қадимги герман ҳуқуқи билан таққослаб кўрадиган бўлсак, жазоларнинг анча инсонпарварлашиб кетганлигига гувоҳи бўламиз. Жиноят таркиби ўзгармай қолган бўлса-да, бериладиган жазолар анча енгиллашган. Бундан ташқари, эр-хотинлар ўртасидаги ўзаро хиёнат, қариндошлар ўртасидаги жинсий муносабатлар, ҳайвонлар билан жинсий алоқа қилиш жиноятлари ҳозирги кунда Жазо кодексидан чиқариб ташланган. Улар энди ахлоқий бузуқлик қаторига киритилади. Кейинги пайтларда озодликдан маҳрум этиш жазоси ўрнига пул жаримаси солиш оммавийлашиб бораётганлиги кўзга ташланади. Бу ҳол ҳам менинг назаримда, тараққиётнинг бир кўринишидир.

**Фарҳод ТОҲИРОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти Жиноят ҳуқуқи кафедраси мудири,**
**юридик фанлар номзоди, доцент**

# ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ

## унинг ёвуз кирдикорлари ҳақида

Ҳаётнинг гўзал устуни тинчликни асраш кеча ҳам, бугун ҳам долзарб муаммолигича қолмоқда. Чунки дунё халқларининг кўнгилларига ғулғула солаётган терроризм балоси тобора авж олаётир. Унга қарши кураш учун дунё ҳамжамияти, хусусан, Ўзбекистон ҳам оёққа турган. Зеро, келажакнинг оёғига болта уриш, дунёни қабиҳ ниятларининг қурбонига айлантирмоқчи бўлган қора кучларнинг илдизини батамом қирқмай туриб, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Шу йўлдаги ҳаракатлар ҳақида «Труд» (20.05.01 сонида) газетаси шундай ёзади:

- Бунақаси ҳаётда камдан-кам учрайди: шу йил апрел ойининг айнан бир кунида Атлантика уммонининг икки соҳилида, аниқроқ айтганда, АҚШ ва Францияда бир жиноятчи устидан суд ҳукми ўқилди. Бу халқаро террорчи Ахмед Рессам исмли кимса эди.

Парижнинг жиноий ишлар бўйича суди 14-палатаси уни сиртдан 5 йилга озодликдан маҳрум этди.

Аммо америкаликлар бундан фарқли ўлароқ, бу ёвуз кимсага шафқат қилиб ўтиришмади, Лос-Анжелес федерал суди унга 33 йил муддатга қамоқ жазоси тайинлаш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Американикларнинг бундай кескин муносабати бежиз эмас, албатта. Бунинг мағзига етиш учун биргина 1999 йилнинг 14 декабрида рўй берган воқеани ёдга олишнинг ўзи кифоя. Нега деганда, айнан ўша куни асли келиб чиқиши алжирлик Ахмед Рессам тимқора «Крайслер» автомобилида Канада фуқароси деган қалбаки паспорт билан кетаётганда АҚШ божхона хизматчилари томонидан тўхтатилади.

Буни қарангки, уни автомобилидан 60 кг портловчи модда, шунингдек, кўп миқдорда портлатгичлар топилади.

Аслида бу ҳали ҳаммаси эмас, яна тинтув чоғида унинг ёнидан Ситэл-Чикаго-Нью-Йорк-Лондон йўналиши бўйича авиачипта ҳам чиқади.

Бу ашёвий далилларнинг бари қўли қонга ботган экстремистлар дунёда биринчи рақамли террорист Усама Бен Ладеннинг топшириғига кўра, АҚШда «Миллениум» байрами арафасида тинч аҳоли ҳаётига қилиниши кутилаётган тажовузни яна бир карра тасдиқлаб беради. Шунинг учун бу ёвузликнинг олдини олиш мақсадида Сиэтл шаҳрида ўтказилиши мўлжалланган оммавий сайил зудлик билан бошқа кунга кўчирилади. Шу билан бирга мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам хавфсизлик чоралари кўрилди.

ФБР ходимлари томонидан ўтказилган текширув пайтида А.Рессамнинг чўнтагидан яна қандайдир Жафар исмли кимсанинг «визитка»си ҳам топилади. Бу — фавқулодда муваффақият эди. Чунки айнан мана шу Жафар исмли кимса Афғонистоннинг Пешоварида жойлашган ва бевосита дунёдаги биринчи рақамли террорчи Усама Бен Ладеннинг назоратида турган «Алжирликлар уйи» жангарилар тайёрлайдиган лагернинг раҳбарларидан бири эди. Бу муҳим маълумотни америкаликлар халқаро террорчи Бен Ладен бошқараётган «Халқаро жиҳод» экстремистик ташкилотни бир неча йилдан буён муттасил кузатиб келаётган француз ҳамкасбларидан олишади.

Шунингдек, америкаликлар қўлга олган Ахмед Рессамнинг номи Франция махсус хизматига ҳам яхши таниш эди. Гап шундаки, 90-йилнинг ўрталарида Парижда содир этилган бир қатор даҳшатли портлатишлардан сўнг махсус хизмат ходимлари бу ёвуз жиноятга қўл урганларнинг изига астойдил тушган ва кўпгина қимматли маълумотларни тўплашга муваффақ бўлишган эди.

Шундай маълумотлардан бири Ахмед Рессам ҳам 1996 йилнинг бошларида Францияда катта шов-шувларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган «Рубэлик босқинчилар» экстремистик гуруҳининг аъзоси эканлигидан гувоҳлик берарди.

Айниқса, 1996 йилнинг 28 феврал куни бу экстремистик гуруҳ мудҳиш ишга қўл уради. Айнан шу куни Франциянинг Лилле шаҳрида қатор давлатларнинг «Катта еттилик» саммити иш бошлаши кутилаётган эди. Бундан ғаразли мақсадларини амалга оширишга уринган террорчилар кучли портлатгич моддалар солинган газ баллонларини машинада жойлаштириб, кўзланган жойга олиб бориб қўйишади. Бу ёвузликдан бахтга қарши полиция ҳам кеч хабар топади. Аммо шунга қарамай террорчиларнинг ёвуз мақсади амалга ошмай қолади. Бунга сабаб портлатиш учун қўйилган махсус механизм-дитанатор рисоладагидек ишлайди, аммо қандайдир бахтли тасодиф туфайли кутилган портлаш рўй бермайди.

Шундан сўнг махсус хизмат ходимлари бу мудҳиш жиноятга қўл урган тўданинг изига тушишади. Бу из эса изқуварларни тўппа-тўғри террорчилар ин қуриб олган Рубэ шаҳрига бошлаб келади. Табиийки, террорчи гуруҳ билан француз полициясининг «Рейд» махсус хизмати ходимлари ўртасида кескин тўқнашув рўй беради. Тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатган террорчи гуруҳнинг аксарият қисми отиб ташланади. Айримлари қочиб қутулишга ҳам улгуради. Шулардан бири чегарадан кесиб ўтишга улгурган француз Кристоф Коза кейинчалик бельгиялик полициячилар қўлига тушади.

Ҳа, айтгандек, тинтув чоғида унинг автомобилидан ҳайратомуз қурол-яроғ жамламаси топилади: пулемёт, бир нечта снайпер ва ҳатто танкка қарши ишлатиладиган ракета мосламаси...

Кейинчалик аниқланишича, «Рубэлик босқинчилар» гуруҳининг барча аъзолари 90-йилларнинг бошларида Боснияда сербларга қарши урушда иштирок этган. Уларни асли келиб чиқиши алжирлик, айни дамда Канада фуқароси саналган Фотиҳ Комил деган кимса томонидан Миланда ташкил этилган «Ислом маданияти институти» ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган.

Французларни ислом динини ўзига ниқоб қилиб олган террорчиларнинг Канададаги излари аллақачон эътиборини тортган эди. Энг аввало, «қора байналминалчи» — Бен Ладенни узлуксиз равишда қалбаки ҳужжатлар билан таъминлаб келадиган махфий ташкилот айнан шу мамлакатда, аниқроқ айтганда, Монерал шаҳрида иш олиб борган. Бу ўта махфий ташкилотни узоқ йиллардан буён кузатиб келган француз изқувари Жан Франсуа Рикарнинг маълумот беришича, паспорт ва шунга ўхшаш муҳим ҳужжатларнинг тоза бланкаси Канадада тайёрланган, «муҳим шахс»нинг фотосурати Туркиядан келган, ва ниҳоят, ҳужжатларни тайёрлашни охирига етказиш Бельгияда амалга оширилади.

Бу механизм жуда пухта йўлга қўйилган ва унинг тепасида айнан террорчи Фотиҳ Комил турган. Унинг ёрдамчиларидан бири эса Ахмед Рессам ҳисобланган.

1999 йилнинг баҳорида французлар халқаро қидирувда бўлган Фотиҳ Комилни қўлга олиш ва Иордания мамлакатидан олиб чиқиб кетишга муваффақ бўлишади. Улар Фотиҳ Комилни Бен Ладеннинг ғарбий Европадаги махфий вакили, деб ҳисоблашар эди.

Орадан бир неча ой ўтгач, Француз махсус хизмати ходимлари маҳаллий полиция билан бирга Фотиҳ Комилнинг Монреал шаҳридаги Маликорн майдонида жойлашган уйига кириб боришади. Бу уй анча йиллардан буён террорчилар учун штаб вазифасини ўтаб келаётган эди.

Бахтга қарши улар кечикишади: уйда Ахмед Рессам ҳам, унинг ҳамтовоқлари ҳам йўқ эди.

Фақат уйдан топилган баъзи ҳужжатларнинг шоҳидлик беришича, Ахмед Рессам бир йил муқаддам Пешавордаги лагерда ҳарбий тайёргарликни ўтаган.

Шу билан бирга француз махсус хизмати ходимлари бу уйдан яна бир экстремистик гуруҳга дахлдор тунислик Абу Доҳнинг Лондондаги яшаш жойи қайд этилган ҳужжатни ҳам қўлга киритишади.

Юқорида айтилганидек, Ахмед Рессамнинг «саёҳати» айнан Англия пойтахтига келиб, поёнига етиши керак эди.

Қаранг, воқеалар қанчалик бирбирига боғланиб кетган.

Январ ойининг бошларига келиб, АҚШ ва Италиянинг Франциядаги элчихоналарига нисбатан террорчилар тажовузи юзага келади. Шунинг натижасида бу элчихоналар шошилинч равишда бекитилади.

Кейинчалик расмий вакилларнинг таъкидлашича, террорчилар тажовузи тўғрисида қайта текширилган маълумотлар олингандан сўнггина элчихоналарни ёпишга мажбур бўлишган.

Аслида террорчилар шундай қабиҳ йўллари билан Ахмед Рессам устидан Париж ва Лос-Анжелесда олиб борилаётган суд жараёнига таъсир ўтказмоқчи бўлишган.

Аммо уларнинг бу уриниши ҳеч қандай натижа бергани йўқ.

Халқаро террорчилар Рессам ва Комил устидан олиб борилган суд ниҳоясига етди. Қўли қонга ботган бу кимсалар ёвуз қилмишларига яраша жазо олишди. Аммо бу билан дунёда террор тажовузи бар ҳам топгани йўқ.

- Бундай тажовуз ҳали узоқ давом этиши мумкин, - дейди йигирма йилдан зиёд вақт давомида терроризм масалалари билан шуғулланиб келаётган француз тадқиқотчиси Жан-Луи Брюзгиэр. - Террорчилар ҳали-вери қўлдан қуролларини қўйишни хаёлларига келтирганича йўқ. Улар ўзларининг ҳаракат шаклларини ўзгартириб боришмоқда. Шунинг учун ҳамиша огоҳ бўлишимиз керак...

**Азиз ЭРМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тингловчиси**

*Ҳикмат*

# Оталар дейдики:

*Одил суд барча ижтимоий эзгуликнинг пойдевори.*

* * *

*Судья— гапираётган қонун, қонун эса тилсиз судьядир.*

* * *

*На оқловчи ва на айниқса, судья бурчни адо этаётганида, ўз туйғуларига берилишга мутлақо ҳаққи йўқ.*

* * *

*Ҳалол одам ҳакамлик курсисига ўтирар экан, шахсий майлларини унутади.*

* * *

*Ўнта эшитган гувоҳдан, битта кўрган гувоҳ афзал.*

* * *

*Буюк қатъият айни пайтда буюк мурувват ҳамдир.*

* * *

*Жазолай олмайдиган судья оқибат натижада жиноятчининг шеригига айланади.*

* * *

*Жазолашдан кўра кечирмаклик мардликдир. Авф этиш кучлилар фазилатидир.*

*Талаба мулоҳаза юритади*

# БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ МИЛЛИЙ ЗАМИНИ



Ҳар бир халқнинг Конституцияси умуминсоний қадриятларга асосланиши билан бирга ўзида халқнинг миллий хусусиятлар ва анъаналарини ҳам тўла акс эттирса, у яшовчанлик касб этади, жамият ҳаётида том маънода маёққа айланади.

Ваҳоланки, жаҳон давлатчилиги тарихида юридик (реал) конституциялар билан бир қаторда фактив, яъни «ўлик» конституцияларни ҳам учрайди. Уларнинг бундай «мақом»га эга бўлиши асосий сабаби мазкур ҳужжатлар халқ миллий табиати, менталитетидан келиб чиқмаган, ҳаётдан узоқ ҳолда тузилганлиги билан изоҳланади.

XIX асрда яшаб, ижод қилган немис файласуфи Ф.Лассаль ўз даврида амалда бўлган конституция тўғрисида атрофлича фикр юритиб, шундай деган: «Конституция жамият кучларининг реал муносабатларини аниқ ифодалай олсагина мустаҳкам ва аҳамиятли бўлади».

Она Ўзбекистонимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида бевосита Президентимиз бошчилигида яратилган Конституциямизга назар ташласак, Бош Қомусимиз ҳар бир фуқаронинг яшаш ва меҳнат қилишини кафолатлайдиган, ҳақ-ҳуқуқларини тўла ҳимоя қиладиган муҳим ҳужжат эканлигига амин бўламиз.

Шу билан бирга Олтин Қомусимиз халқимизнинг кўп минг йиллик қадрият ва анъаналарига тўла уйғун эканлигига ҳам унинг яшовчанлигини таъминлайдиган омиллардан биридир.

Бу фикримизнинг исботи тариқасида Конституциямизнинг 64 ва 66-моддаларини келтириб ўтиш ўринлидир. Мазкур моддалар ота-оналарнинг ўз фарзандларини улар вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш; ўз навбатида фарзандларга ҳам, вояга етиб, меҳнатга лаёқатли бўлгач, ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини юклайди.

Шу ўринда халқимиз кўп асрдан буён улуғлаб келаётган қадрият ва анъаналарга мурожаат этсак, юқоридаги моддаларнинг моҳиятини янада теранроқ англаймиз.

Маълумки, халқимиз фарзанд кўриш, унинг тарбияга ҳамиша юксак масъулият билан қараб келган. Жумладан, туғилган фарзандига муносиб исм қўйиш, унга оқилона тарбия бериш ва ниҳоят, вояга етганда мустақил ҳаётга кузатиш (никоҳлаш) ҳар бир ота-онанинг бурчи саналади.

Халқимизнинг бу каби одатларида унинг болажонлик хусусиятлари уфуриб турибди.

Ўз навбатида фарзанднинг ҳам ота-онасига бўлган чуқур эҳтироми, чексиз ҳурмати уларни кексайган чоғларида ёлғизлатиб қўймайди. Падари бузруквори-ю, волидаи муҳтарамасини энг катта бойлик деб билиш, уларда сидқидилдан ғамхўрлик қилиш, миллий менталитетимизнинг ўзига хос қирраларидандир.

Шуни таъкидлаш лозимки, айрим хорижий мамлакатларнинг амалдаги конституцияларида қидириб топиш қийин бўлган бундай қоидалар Бош Қомусимизнинг том маънодаги ютуғидир.

Шу ўринда кечаги кунга бир назар ташлайлик. Шўро замонида бир неча бор қабул қилинган конституцияларда халқимиз миллий хусусиятлари тўла қамраб олинган эди, десак ҳақиқатга қанчалар яқин бўлар экан? Ҳа, бугун тан олиб айтиш керакки, миллатларнинг асрлар оша шаклланиб, томир отган урфлари-ю, анъаналари умуман эътибордан четда қолган эди. Миллий байрамларимиз, давлат бошқаруви масалаларидаги миллий ўзига хослик, уларнинг нафақат ўша давр конституциясида, балки ҳаётдаги ижроси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Тўғри, бу камчиликлар менга қадар ҳам кўп ўрганилган, гапирилган. Менинг мақсадим — муқояса қилиш орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асл моҳиятини очиб бериш, унинг ютуқларини кўра олиш, қолаверса, Олтин Қомусимизни ҳурмат қилишга чақиришдир.

Хулоса ўрнида юқоридагилардан келиб чиқиб, инсонпарварлик ва миллий бағрикенглик тамойилларини ўзига сингдирган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун кўп асрлар хизмат қилишига ишончим комил. Халқимизнинг асрий орзулари тўла рўёбга чиқишида Конституциямиз йўлимизни ёритгувчи машъал бўлади.

**Нодира ЖАМАЛИЕВА,**
**ТДЮИ талабаси, 2-курс, 2-ҳуқуқ**

*Адлия тизими*

## СИРДАРЁ

**Вилоят адлия бошқармаси томонидан 4 нафар мансабдор шахсни маъмурий жавобгарликка, 2 нафар мансабдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан судларга таклиф юборилган.**

***

**Хўжалик раҳбарларидан 140 минг сўм (5 нафар), назорат қилувчи идоралар ходимларидан 360 минг сўм (4 нафар), ДСИ ходимларидан 550 минг сўм (1 нафар), шу жумладан, маънавий жавобгарликка тортилган шахслардан 590 минг сўм (6 нафар), жами 1.350 минг сўмлик моддий ва маънавий зарар ундирилди.**





# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – СУД ҲИМОЯСИДА

Яқинда Америка Юристлар Ассоциациясининг Марказий ва Шарқий Европа ҳуқуқий ташаббус дастури, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида суд-ҳуқуқислоҳоти масалалари юзасидан «Тергов органларининг фуқароларнинг ҳуқуқларини чекловчи ҳаракатлари устидан суд назорати» мавзусига бағишланган халқаро конференция ўтказди.

Мазкур конференция ишида қатнашиш учун юқори малакали судьялар, прокурорлар, адвокатлар ва республикадаги етакчи ҳуқуқшунос олимлардан иборат 60 нафарга яқин ҳуқуқ соҳаси жамоатчилигининг турли соҳа аъзолари иштирок этди.

Конференцияни ўтказишдан олдин унда муҳокама қилиниши кўзда тутилган масалалар қанчалик долзарб эканлигини ўрганиш учун баъзи вилоятларда бир неча бор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди.

Муҳокама қилинган муҳим мавзулардан бири «Тергов амалиётида Халқаро стандартлар ва Конвенцияларнинг қўлланилиши» деб номланган. Ушбу мавзуни муҳокама қилиш жараёнида Конференция қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро конвенциялар ҳақида кенг ва мазмунли ахборот олдилар.

Конференция ниҳоясида анжуманда билдирилган фикр ва мулоҳазаларни умумлаштирувчи ишчи гуруҳи тузилди.

**Меҳри БОЛЛИЕВА,**
**ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази бўлим бошлиғи**



Жуманазар БЕКНАЗАРОВ,
тиббиёт фанлари доктори

# ОНАНИ ЭЪЗОЗЛАШ — КЕЛАЖАК МЕЗОНИ

Биринчи мақола

***Аёл оила қургандан сўнг Оллоҳ таолодан фарзанд сўрайди ва мана шу болам соғ-омон ўссин, ҳар томонлама баркамол, етук инсон бўлсин, деб орзу-ҳавас қилади, керак бўлса, бутун ҳаётини зурриёдига бағишлайди.***

**Ислом КАРИМОВ**

Бир донишманднинг бир-биридан ақлли, ўткир фикрли бир нечта шогирди бор экан. Унинг ёши бир жойга бориб қолибди. Ворисликни шогирдларининг қайси бирига топширишни билмай, кўп ўйланибди. Ўйлаб-ўйлаб, охири уларни имтиҳондан ўтказишни маъқул топибди. Шогирдларини ҳузурига тўплаб, бир савол билан мурожаат қилибди:

- Ҳаёт манбаи нима? Ҳаёт нима билан ширин?

Шогирдлар табиатнинг борки инъомларини бирма-бир санай бошлашибди.

Донишманд тасбеҳини ўгирганича, кўзларини юмиб, уларнинг сўзларини сукут билан тинглабди. Пойгакда ўтирган шогирд:

- Табиат зурриёд билан тирик! - деб жавоб қилибди.

Толиблар тенгдошига ажабланиб қарашибди. Ҳатто донишманд ҳам беихтиёр бошини кўтариб:

- Ажаб, жавобингни бизга изоҳлаб бер! - дебди.

- Табиат қонунининг бош мезони — зурриёд қолдириш. Тирик мавжудот борки, эртанги кун билан яшайди, насл-насабни давом эттириш учун доим курашиб келади. Инсон ҳаёти фарзанд билан, унинг одоби ва баркамоллиги билан гўзал, ширин.

Донишманднинг сержин чеҳрасига нур югурибди. Ўрнидан туриб, пойгакда ўтирган шогирднинг ёнига борибди:

- Имтиҳондан яхши ўтдинг. Бу қутлуғ — меҳроб фақат ҳақиқат нурини сочмоғи лозим, олган илминг ва ақлинг ҳақ йўлни танлашингда шамшир бўлмоғи шарт! - дебди. Ўрнини шогирдига топширибди.

Ҳа, донишманднинг айтганлари жуда тўғри. Бироқ табиий, бир савол туғилади: хўш, одоби ва баркамоллиги билан гўзал, ширин фарзандни дунёга келтириш, тарбиялаб, вояга етказиш ота-онанинг бир-бирига бўлган табиий муносабати туфайли ўз-ўзидан пайдо бўладими ёки бу анча мураккаб жараёнми?

Бобо-момоларимиз «бола бошидан» деганлар. Ҳа, бола ҳам, энг аввало, кичик бир нуқталар бирлашувидан ривожланади. Уруғ ва тухумнинг бирлашувидан она вужудида ҳомила пайдо бўлади. Уруғ ва тухумнинг бирлашуви янги жисм, янги ҳаёт, янги насл бунёдга келганлигининг илк нишонаси. Ўз қон айланиш системаси, овқатланиш манбаи бўлган ҳомила она организми билан чамбарчас алоқада ва мулоқотда бўлади. Бу исбот талаб қилмайдиган аксиома.

Келинг, ҳайвонот дунёсига мурожаат қилайлик, негаки, инсон ва ҳайвонот оламидаги ҳаётий кимёвий жараёнлар бир-биридан андоза олиш тариқасида ривожланиш босқичини ўтайди.

Маълумки, гурзи илони илончалар туғади. Агар гурзи илонини ўлдириб, унинг юрагини алоҳида ажратиб, чап қоринчасига кирувчи томирига найча киритиб, ундан Рингер суюқлигини (тузлар таркиби жиҳатидан қон плазмасига яқин) киритсак, юрак бир маромда ура бошлайди. Энди она гурзи илони ичида ўлган илончалар юрагини олсак-да, уни бир маромда ураётган она илон юрагига яқин келтирсак, илон боласи юраги ҳам худди шу маромда ура бошлайди. Она илон юрагига боласининг юраги қанча яқин келтирилса, у шунчалик кучлироқ ура бошлайди.

Хўш, нега шундай бўлди?

Бу мўъжиза ураётган юрак атрофида ўзига хос хусусиятга эга бўлган биомайдон ва унинг ўзига яқин келтирилган юрак тўқималарига таъсири туфайлидир. Асосийси эса она илон юраги ва илон боласи юраги ҳужайралари орасидаги биобоғланиш туфайли ҳужайралар ўртасида информация алмашиш сабаблидир.

Ҳақиқатан ҳам академик Ю.Гуляев ва физика-математика фанлари доктори Э.Гайдик ўтказган текширишлар инсон атрофида инфрақизил нурлар, ўта юқори частотали майдон, электр ва магнит майдони, акустик-иссиқлик нурланиши бўлишини кўрсатди. Ҳатто инсон ўзидан гамма нурларни чиқариш хусусиятига эга. Майли, буларнинг ҳаммасини шартли равишда инсон биомайдони, деб атай қолайлик.

Маълумки, одам ҳужайрасининг 3/4 қисми сувдан, сув эса водород ва кислороддан ташкил топган. Водород атомлари ўзидан радиосигналлар чиқаради. Одам организми 13 триллиондан зиёд ҳужайрадан ташкил топган ва шу ҳужайралардаги водород атомлари жами сигналларидан каттагина заряд ҳосил бўлади. Ҳар бир инсон турмушда бунинг тасдиғини топиши мумкин. Баъзан бирон-бир темирга бехосдан қўлингизни уриб олсангиз, худди ток ургандай сезасиз ва қўлингизни дарҳол тортиб оласиз. Ҳа, шу пайтда инсон ва темир орасида қисқа туташув рўй бериб, одам ортиқча зарядлардан халос бўлади. Қоронғи уйга кириб, синтетикадан тикилган кўйлагини ечаётган одам ҳам чирсиллаб чиқаётган электр учқунларини аниқ ва равшан кўради. Бу ҳам инсон ҳужайраларининг ҳаётий фаолияти оқибатида пайдо бўлган зарядлардир.

Мана шу айтилганлардан ҳам аниқ билинадики, ҳар бир инсон ўз биомайдонига эга. Баъзиларда бу майдон кучлироқ, баъзиларда эса кучсизроқ бўлади.

Ҳомиладор аёлнинг ҳам ўзига хос биомайдони бўлиб, юрак уришидан, мия ҳаракатидан, ички аъзолари фаолиятидан вужудга келаётган бу биомайдон ҳомила юраги, мияси ҳужайралари ривожи учун фарқсиз эмас. Бу майдон ҳомила юрагининг қисқариш кучига, маромига мия ҳужайраларининг уйғониб, таъсирланиб ривожланишига, яъни тафаккур, интеллектуал даражасининг қандай бўлишига катта ижобий таъсир кўрсатади. Демак, ҳомиладор аёл руҳининг кўтаринки бўлиши, унинг қалбининг ҳар доим севинчга тўлиб-тошиб юриши, ҳис-туйғуларининг севинч булоқларидан қониб-қониб ичиши ижобий биомайдон бўлиши туфайли ҳомила ривожига катта рағбатли таъсир кўрсатади. Туғилажак боланинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан қай ҳолатда бўлиши, руҳиятининг шаклланиши ҳомила даврининг она қорнида қандай ўтиши билан чамбарчас боғланган.

Негаки, она организми ривожланаётган ҳомила учун ташқи муҳит, ташқи шароит ҳисобланади. Лекин уларнинг бир тизимда эканлигини ҳам инкор этиш мумкин эмас. Шу ўринда халқимизнинг донолигини яна бир бор минг таъзим билан тан олмасдан иложимиз йўқ. Ҳа, улар энди туғилган болага бирданига бир ёш берадилар, агар бола бир ёшга кирган бўлса, умри узоқ бўлсин, иккига кирибди-да, деб дуо қиладилар. Улар бу билан бола ёруғ жаҳон юзини кўрмаса ҳам она қорнида ташқи муҳит билан боғланиб яшаётган эди, дейишмоқчи. Олимларнинг кейинги текширишлари халқимизнинг бу хулосаларида буюк бир ҳақиқат борлигини тасдиқлади. Немис олимларининг таъкидлашича, ҳомилада 3 ойлик давридаёқ таъм билиш пайдо бўлади, сўнгра у эшитади, ҳид сезади. Она вужудидаги 3 ойлик мурғак гавда она организмининг ҳолатига, руҳий аҳволига тамоман боғлиқ. Она организмида нохуш ҳолатлар кузатилдими, тамом, ҳомила қон айланишида ҳам шунга мувофиқ салбий ўзгаришлар пайдо бўлади — унинг юраги ура бошлайди. Она қувончидан кулади, нохуш кайфиятидан юзини бужмайтиради, ҳатто бармоқларини сўриб, она юраги уришига қулоқ солади. Ташқи таъсирларга жавоб қилиб, тажрибалар тўплай бошлайди. Уларни эсида сақлаб қолади. Худди мана шу пайтдан бошлаб у ухлайди, овқатланади, унинг руҳий ва маънавий дунёси шакллана бошлайди. Онанинг нимадандир хавотир олиши, қўрқиши ҳомилани ҳам безовта қилади, феъл-атворининг салбий хусусиятларга мойил бўлиб ўзгаришига таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси ультратовуш аппарати ёрдамида ҳатто кинофильмларга олинган ва намойиш қилинган.

Швейцария болалар шифокорларининг текширишлари она ва ҳомиланинг биоритмлари чақалоқ туғилгунича бир-бири билан мувофиқлаша бошлашини кўрсатди. Йиғлаётган чақалоқ она товушини эшитган заҳоти тинчланиши, кўз нури тушганда жилмайиши, баданига она қўли тегиши билан боланинг ором олиши ҳам худди шу мўъжизалар шарофатидир.

Халқимизда бундан бир неча ўн йиллар илгари (ва қадимдан) бир жойга йиғилишиб, ўзаро гурунг қилишиб, халқ достонлари ўқиши ашъорлар мутолаа қилиш, мусиқа чалишда бас бойлашишлар, ашула, лапарлар айтишлар тус олганди. Хотин-қизларнинг ҳам шундай даврлари, йиғинлари бўларди. Булардан ҳомиладор аёл ҳам бенасиб қолмаган. Мана шу ўқилаётган шеър, достон, ҳикоя, айтилаётган ашула, чалинаётган мусиқанинг ҳомилага ҳам таъсири бўлган: у эшитган ва тинглаган. Бу унинг мия ҳужайраларининг тез ва эрта ривожланишига кучли туртки бўлган. Эътибор беринг-а, она юртимизда халқимиз фахр билан тилга олувчи забардаст шоирлар, бахшиларимизнинг кўпчилигини худди шу анъаналар меваси дейишга тўла ҳаққимиз бор. Чунки физиологлар овоз чиқариб шеър, достон ўқиш ҳомила мия ҳужайраларида энг фаол сигналлар ҳосил қилишини аллақачонлар исботлаганлар.

Демак, ҳаёт оқими жадаллашган ва бунинг устига соқов ташқи муҳит шароитида дунёга келган боланинг ақлий имкониятлари нисбатан паст бўлиши аниқ ва унинг кейинги ривожи ҳам она сутининг етарли бўлиб, то 2, 3-5 ёшгача унинг билан озиқлантириши ҳамда туғилгандан кейин олиб борилган тарбия сифатига боғлиқ бўлиб қолади.

Ҳомиланинг 4-5-ойлари унинг руҳий дунёси шаклланишининг энг авж олган даври ҳисобланади. Шу ойларда ҳомила қони кислородга тўйинган бўлиши шарт. Бу пайтда она экологик жиҳатдан энг тоза озиқ-овқатлар тановул қилиши лозим. Чунки мева-сабзавотлар таркибидаги нитратлар кислородни ўзига бириктириб олиш қобилиятига эга. Бу борада академик В.Таболиннинг «Бола туғилгунича унинг онаси зарар қилувчи воситалар таъсирига учраган бўлса, боласининг мия қобиқларида у ёки бу ўзгаришлар бўлади», деб айтган гапларини эслаш кифоя.



***Бизнинг маълумот:***
***Жуманазар БЕКНАЗАР, тиббиёт фанлари доктори, «Болангиз нега безовта?», «Гулдек нозик», «Тош балоси», «Болаларга бағишланган умр», «Она ва бола таянчи» каби қатор китоблар муаллифи.***
***Мақоласи «Инсон ва қонун» газетасида илк марта чоп этилмоқда.***



*Бахтли болалик!*

# ҲАСАД

## аёлни ўз жигаргўшасининг юзига оёқ қўйишгача олиб келди

Ҳаётда опа-сингил ака-ука сингари муқаддас ришталар борки, уларни ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди. Аслини айтганда, бундай тушунчаларнинг борлигининг ўзи бир давлат. Қийналганимизда ҳамдарду шодлигимизда қувонган аввало опамиз, синглимиз ёхуд ака-укамиз эмасми?

Ота-оналар болаларининг кўпроқ бўлишини нега истайдилар? Улар фарзандларим бир-бирига суянч бўлсин, демайдиларми?

Янгиқўрғон тумани Калишо қишлоғи, Бўстон кўчасида яшовчи Орифа Акбарова эса ота-онасининг шундай орзуларига қарши бўлди. Гулдай сингилларига меҳрибон опа бўлиш ўрнига...

«Кейинги пайтларда синглим босар-тусарини билмай қолди»,- деган ғаразли ўй Орифага сира тинчлик бермай қўйди. Юрагидаги ғараз йўқолиш ўрнига кучайиб, у ўзига тўқ оиланинг бекаси бўлган синглиси Маҳмудани танобини тортиб қўйишни ўйлай бошлади. Лекин бир қориндан талашиб тушган синглисига ёмонликни раво кўриши қабиҳли эканлиги, бунинг оқибати яхши бўлмаслигини ўйлаб, боши қотди. Аммо бу ўйлар устидан нафс барибир ғолиб келди. У қабиҳ ниятини амалга ошириш учун танишлари Фахриддинхўжа ва Исматиллаларга маслаҳат солди.

- Гап бундай, - сўз бошлади у, - Уйчи шаҳрида бойвачча бир синглим яшайди. Йўлини қилиб, унинг бойлигини қўлга киритсак, кам бўлмаймиз.

Орифанинг гапини эшитган шериклари бир лаҳза ҳайратда қолдилар.

- Ўз синглисини-я, - таажжубланди Фахриддинхўжа. - Бу қандай бемаънилик.

- Бойликнинг олдида қариндошлик ҳеч нарса эмас, - гапни чўрт кесди аёл.

- Бўлмаса нима қил дейсиз? - гапга қўшилди Исматилла.

- Шароитга қараймиз, лекин буни зинҳор ҳеч ким билмаслиги керак. Сезиб қолишса, борми, шарманда бўламан-а, - огоҳлантирди шерикларини у.

Ҳамтовоқлар маслаҳатни бир жойга қўйишди. Белгиланган вақтда учрашган шериклар йўловчи «Дамас»да Уйчига йўл олишди. Орифа ҳамтовоқларини автобус бекатида қолдириб, ўзи шароитни ўрганишга кетди.

- Ишимиз юришадиган бўлди, - деди севиниб қайтиб келган Орифа. - Синглим кечқурун гапга кетар экан. Уйида бошқа ҳеч ким йўқ экан.

- Айни муддао-ку! - хурсанд бўлди Фахриддин.

- Жуда соз, - севинди Исматилла.

Кун асрдан ошганда Орифа вақт бўлганлигига ишора қилди ва шерикларини Маҳмуданинг уйи томон бошлаб кетди.

- Кўнгилни тўқ қилинглар, - сўз қотди у йўлда кетар экан. - Мен сизларни ҳовлидаги ертўлага яшириб қўяман. Синглим уйга қайтиб уйқуга кетган маҳал ишга тушасизлар. Бирингиз Маҳмудага, иккинчингиз жияним Соҳибжонга бирдан ташланиб, оғзини беркитиб, оёқ-қўлини боғлайсизлар. Сўнгра пулларнинг беркитган жойини сўрасангиз, кўрсатади-қўяди. Қарабсизки, иш беш.

Ниҳоят, тун чўкиб, атрофни қоронғулик қоплади. Икки шерик уй эгаларини сабрсизлик билан кутишарди. Тун чамаси иккинчи ярмига оғганда, Маҳмуда ўғли ва қизи билан уйга кириб келишди. Улар сўрига жой солиб, уйқуга кетишди. Уй соҳибларининг обдон уйқуга кетганларига ишонч ҳосил қилган босқинчилар арқон, электр сими ва таёқ билан қуролланиб, мириқиб ухлаётганларнинг устига ташланишди. Исматилла Соҳибжонни уриб, қўл-оёғини боғлашга ҳаракат қилди. Лекин йигитчанинг абжирлиги унга панд берди. Соҳибжон босқинчини зарб билан тепиб, сўридан ағдариб юборди. Мағлуб қочиб қолишдан бошқа чора тополмади. Соҳибжон зудлик билан онасига ёрдамга шошилди. Тўс-тўполондан Сабоҳон ҳам уйғониб кетиб, қичқириб юборди. Ишнинг пачаваси чиққанини сезган Фахриддинхўжа ҳам ҳовлининг этак томонига қочиб қолди. Она-болаларнинг бақир-чақиридан хавотирга тушган қўшнилар бир зумда ҳовлини тўлдиришди. Воқеадан хабар топиб, босқинчиларни бир зумда қўлга олишиб, милицияга хабар қилишди. Шовқин-сурондан огоҳ бўлган Орифа шерикларидан хавотирланиб, Маҳмуданинг уйига етиб келди. Қараса, қўни-қўшнилар тўпланишган, иш пачава. Шерикларини милиция ходимлари олиб кетмоқчи бўлаётганини кўрган Орифа уларни қутқариш мақсадида ўзини машинанинг тагига ташлади.

- Ҳеч қаёққа олиб кетмайсиз, - қичқирарди у, - уларни мен олиб келганман, мен жавоб бераман.

Милиция ходимлари аёлнинг найрангларига эътибор ҳам бермай, жиноятчиларни олиб кетишди. Уйчи туман ички ишлар бўлими ходимлари олиб борган тергов жараёнида босқинчилик сабаблари аниқланиб, далиллар исботини топди. Босқинчилар қонун олдида қилмишларига яраша жазо олдилар.

Албатта, Орифа эртага жазони ўтаб, яна оиласига қайтади. Лекин у қариндош-уруғи, ота-онаси, маҳалла-кўй, айниқса, синглиси Маҳмуданинг юзига қандай қарайди.

Ҳаммасидан оғир жазо шу эмасми?!

**Эркин ҚАМБАРОВ**

# ЎЙИНГОҲ ХАНДАЛАРИ

**Футбол ўйинининг биринчи ярми тугагач, жамоа мураббийи ўйиндан репортаж олиб бораётган радиомухбир ёнига югуриб келиб деди:**

**- Жаноб мухбир, илтимос, ўйиннинг иккинчи ярмида майдондаги воқеаларни бироз секинроқ шарҳласангиз, акс ҳолда ўйинчиларимиз сиз тасвирлаган воқеаларни амалга оширишга улгуролмай қолишади.**

* * *

**- Азизим, иккита нарса сизнинг буюк футболчи бўлишингизга халақит бермоқда, - деди ўйин тугагач, мураббий ёш футболчига.**

**- Хўш, нима экан улар?**

**- Биринчиси, бу сизнинг ўнг оёғингиз.**

**- Хўш, иккинчиси-чи? - сўради ўйинчи қизиқсиниб.**

**- Иккинчиси, сизнинг чап оёғингиз, азизим.**

* * *

**Бир мураббий мақтанди:**

**- Мен раҳбарлик қилаётган жамоа ўйинчилари жуда одамшаванда ва инсонпарвар.**

**- Хўш, нега бундай фикрга келдингиз?**

**- Чунки улар ҳар сафар ўйин тугагач, касалхонага бориб, рақиб жамоанинг жароҳат олган ўйинчилари ҳолидан хабар олиб келишади.**

* * *

**Мураббий ўз жамоасининг марказий ҳужумчисига деди:**

**- Бугун рақиб жамоа сенга қарши 8-рақамдаги ўйинчисини қўйган.**

**- Анави қимирлаган ўйинчини кўкраги билан уриб йиқитадиган барзангими?**

**- Ҳа, қимирлаган ўйинчини уриб йиқитадиган йигит. Аммо сен хавотир олмасанг ҳам бўлаверади.**

* * *

**- Бугун ўйин қандай бўлди? - сўради Петер қўшнисидан.**

**- О, жуда зўр! Тўрт марта қизил, олти марта сариқ карточка кўрсатилди. Уч киши жароҳат олди, беш марта ўн бир метрлик жарима тўпи тепилди. Ўйин тугагач, ўз қароргоҳига кетаётган ҳакам ҳам тўсатдан йиқилиб, оёғини синдириб олди.**

* * *

**- Сиз мендан учинчи марта чипта сотиб олаяпсиз. Уларни нима қиласиз? - сўради чипта сотувчи.**

**- Ўйингоҳ кираверишдаги эшик оғаси ҳар сафар уларни йиртиб ташлаётган бўлса, мен нима қилай ахир.**

* * *

**Бош муҳаррир янги ходимга йўл-йўриқ бера бошлади.**

**- Эсдан чиқарманг, газетамиз нуфузли газеталардан бири, шу сабабдан ходимларимизга иш пайтида чекиш, гаплашиб ўтириш ва кроссворд ечиш қатъиян ман этилади.**

**- Вой-бу, у ҳолда ходимлар уззукун нима билан шуғулланишади?**

* * *

**Дадаси, анави саҳнадаги ашулачи нега бешиктебратардек тинмай тебранади-а?**

**Нега деганда, қимирлаб турган нишонга бирон нарсани отиб теккизиш жуда мушкул-да.**

* * *

**Стадионда бир киши ўрнидан туриб қичқира бошлади.**

**- Олтмиш минг томошабин, йигирма иккита ўйинчи, иккита ёрдамчи ҳакам, битта бош ҳакам!**

**Ёнида ўтирган киши уни этагидан тортиб ўтирғизар экан, сўради:**

**- Нима бўлди ўзи? Нега бунақа пойма-пой гапларни айтиб бўкираяпсиз?**

**- Нега энди пойма-пой бўлсин! Ахир, стадионда олтмиш минг томошабин, йигирма иккита ўйинчи, иккита ёрдамчи ҳакам ва битта бош ҳакам бўлса-ю, бу падарлаънат қарға келиб-келиб менинг бошимга ахлат ташласа-я. Бундай қандай чидаш мумкин?**

**Олмон тилидан**
**Йўлдош ПАРДА таржимаси**

# ЎҚИМАЙ МУЛЛА БЎЛГАН...

## ЧЎҚИМАЙ ҚАРҒА БЎЛУР

**** Китоб кўрмаган калла — гиёҳ ўсмаган далага ўхшайди***
**** Битта қалбаки дипломнинг нархи қанча?***
**** Кўра-била туриб, нега шундай нопок ишга қўл уришди?***
**** Устоз деган номни оқлаш осонми?***

Қизириқ туманидаги А.Эшонов номли ширкат хўжалигида яшовчи Мақсуд Тангиров Шеробод бозори томон йўл олди. Автобусда ёнма-ён ўтириб қолган йўловчи билан гурунги анчайин қизиб кетди. Гап орасида унинг ҳамроҳи касб-корини суриштирган бўлди:

- Эй, ака, нимасини сўрайсиз, ўқимаганмиз. Далада мол боқиб, наридан-бери мактабга борардик, - синиқ овозда нолиди у.

- Бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлашни хоҳлайсизми? синов оҳангида берилган таклифдан Мақсуд акамиз ҳайратга тушди.

- Эй, ака, муаллимлик қилиш учун бирон-бир ҳужжатнинг ўзи йўқ бўлса, қанақасига ўқитувчилик қиламан?

- Иним, бу дунёда бажариб бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Қаловини топса, қор ҳам ёғаверади. Менда диплом бор. Деновдаги педагогика билим юртиники. Нархи ҳам арзон, бор-йўғи 14 минг сўм. Бир зумда дипломли муаллим бўлиб қоласиз.

Яширишнинг ҳожати йўқ, Мақсуд Тангиров кутилмаган бу таклифдан шошиб қолди. Ҳозир ёнида бунча пули йўқлигини айтиб, эртага учрашишни таклиф қилганича, автобусдан тушди. Эртаси ҳар икки қаллобчилик «соҳиб»лари яна учрашишди. Ҳаммаси гўё ҳамирдан қил суғургандек битди. Кўрмаганнинг кўргани қурсин, дегандек Мақсуд акамиз чопа солиб, Қизириқ туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабида бошланғич синф ўқувчиларига меҳнат фанидан «чуқур билим» бера бошлади. 1999-2000 ўқув йилида ана шу сохта ўқитувчилиги учун у давлат хазинасидан ноқонуний равишда 172 минг 528 сўмлик маблағни чўнтагига урди. Китоб кўрмаган калла — гиёҳ унмаган далага ўхшаркан. Сохта «устоз»нинг ўқув даргоҳидаги қинғир ишлари фош этилгач, келтирилган барча зарар жойига қайтарилди. Қалбаки «муаллим» эса қилмиши учун қонун олдида жавоб берди.

Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас.

Мазкур тумандаги Охунбобоев ширкат хўжалиги, Янгиобод маҳалласида истиқомат қилувчи Гулчеҳра Мелибоева 1999 йилнинг айни жазирама ёзида таниши Абдураҳмон Абдуллаевни учратиб қолди.

- Гулчеҳра, хоҳласанг сенга ўқитувчилик дипломини тўғирлаб бераман, - таклиф қилди Абдураҳмон. - Фақат харажатидан қочмасанг бўлди.

- Нархи қанча экан? - сўради опахон.

- Ҳа, энди от билан туя бўладими?! 34 минг!

Гулчеҳрахоннинг бели бақувват экан. Дарҳол шунча пулни топиб келиб, Деновдаги педагогика билим юртининг бошланғич синф ўқитувчиси мутахассислиги бўйича 1999 йил 10 июл кунида қайд этилган 260064 рақамли дипломни қўлга киритди. Фақат киритдигина эмас, тумандаги 17-умумий таълим мактабида 1999-2001 ўқув йилларида «ҳормай-толмай» бошланғич синфларга «сабоқ» берди. Сохта «устоз» опамиз ана шу йиллар давомида ўзининг қинғир ишлари учун давлатдан ноқонуний равишда 167 минг 408 сўмлик «иш ҳақини» қуртдек санаб олди.

Сув бир лойқаланмай тинмас экан. Қалбаки диплом фош этилгач, ўқувчилар сохта «устоз»дан қутулди, «муаллима» эса эл орасида шарманда бўлди.

Қизириқ туман, Истара ширкат хўжалигининг 1-бўлимида истиқомат қилувчи Раъно Янгибоева ҳам 1998 йилда Денов педагогика билим юртининг бошланғич синф ўқитувчи курсини 095124 рақамли диплом билан «тугатгани» тўғрисидаги ҳужжатни ўзининг бир танишидан 20 минг сўмга харид қилиб, «муаллима»га айланди-қолди. Ана шу сохт диплом билан у 27-ўрта умумий таълим мактабида уч йил бошланғич синфларга фанлардан ўзича «сабоқ» берди. Лекин китоб кўрмаган «муаллима» опамизнинг сирлари фош бўлгач, давлат хазинасидан олган 177 минг 365 сўм қайтариб ўз жойига қўйилди. Ўқимай мулла бўлган, чўқимай қарға бўлур қабилида иш тутган опамизнинг «муаллималик» фаолиятидан сабоқ олган ўқувчиларнинг билим даражаси қанчалик бўлди экан? 33 ёшни қаршилаган, оқу қорани танийдиган қаҳрамонимиз кўра-била туриб, аёл боши билан ёшларга тарбия берищдек масъулиятли вазифа билан қалтис ўйин қилишдан ўзини тийа олмаганлигини қандай баҳоламоқ керак? Мактаб — бу муқаддас даргоҳ. Унга нопок мақсадда қадам босишга уринган кимсалар шак-шубҳасиз, кўпчиликнинг қаҳрига учрайди.

Шу тумандаги Гиламбоп ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Мукаддам Абдуназарова ҳам 41-умумий таълим мактабида юқорида биз тилга олган билим юртининг 278688 рақамли сохта дипломи билан уч ой «ўқитувчи» бўлиб ишлаган. Опамиз ана шу даврдаги «фаолияти» учун олган 11 минг 778 сўмлик маблағни давлат бюджетига қайтариб тўлади. Қонуний жазодан ҳам четда қолмади.

Албатта, сохта «устозлар» келтирилган зарарларнинг барчаси ундирилди. Аммо маънавий зарар-чи? Бу ҳақда ўйлагада бир ҳақли савол туғилади: биз юқорида номларини қайд этган кимсалар шундай нопок ишга қўл уришганидан маҳалла-кўй, мактаб жамоаси бехабар бўлган деса, табиийки, ҳеч ким ишонмайди.

Билишган, лекин менга нима, қабилида лоқайд қарашган. Бундай лоқайдлик фарзандларининг эртанги куни учун нечоғлик қимматга тушиши тўғрисида мулоҳаза этишганда, бундай йўл тутмаган бўлар эди.

Бунинг устига қалбаки диплом эгаларини ишга қабул қилган мактаб директорлари, кадрлар билан шуғулланувчи масъул ходимларнинг нега кўзи хиралашиб қолдийкин? Қолаверса, мактаб жамоаси — зиёлилар-чи?! Улар нега виждонга хилоф раившда жим туришди?!

Энг асосийси, Деновдаги Р.Узоқова номли педагогика билим юртининг ҳисобсиз диплом «сандиғи» борми? Илло, сохта дипломларнинг бари шу илм даргоҳники. Агар суриштириб кўрилса, вилоятимизнинг бошқа туманларида ҳам ана шундай қалбаки дипломлар билан ўқувчиларга «сабоқ» бераётган «муаллим»лар топилмайди, деб ким кафолат бера олади? Бу эса ўз навбатида яна саноқли ойлардан сўнг бошланадиган янги ўқув йилида умумий таълим бўлимлари, мактаб директорларидан билим масканида фаолият кўрсатаётган мураббийлар, янгидан ишга кираётган ўқитувчилар ҳужжатини қаттиқ назорат билан ўрганишни тақозо этади. Зеро, ёш авлодни етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг жамият, келажак олдидаги инсоний бурчимиздир.

**Тўхтасин ҚУРБОНОВ,**
**Қизириқ туман прокурори,**
**Собир ЁДИКОВ,**
**«Инсон ва қонун» махсус мухбири**

*Жиноят ва жазо*

# «НАФСИМ МЕНИНГ БАЛОДУР...»

Одам боласи нафснинг домига тушмасин экан. Тушдими, тамом, эл-юрт ўртасида шармандаи шармисор бўлиши тайин.

Нафс қутқусига учиб, нопок ишга қўл урган сирдарёлик Вали Маннопов ҳам ана шундайлардан бири бўлиб чиқди. Одам ҳаётда қилган хатосидан тўғри сабоқ чиқариб олмаса ҳам қийин экан. Вали Маннопов ҳам муқаддам судланган бўлишига қарамай, яна шундай қабиҳ йўлга ўзини урди. Кўр кўрни қоронғида топади, деганларидек, шундай ғаламис ниятда юрган Вали Эшонқулов Аҳмад билан танишиб қолади. Иккови тезда тил топишади.

1965 йил Янгиер шаҳрида туғилган Аҳмад Эшонқулов ҳатто «Москвич» русумли шахсий машинаси билан ҳар қандай ишни ҳам бажаришга тайёр эканлигини айтиб, режани тезроқ амалга оширишга ҳозирдан тайёрлигини билдирди.

Икковлон яна шерик топиш пайига тушишди. Вали ўзининг 1985 йилда туғилган Холмирзаев Умид исмли ўгай ўғлини ҳам бу нопок ишга тортди.

Умид эса ўз навбатида 1984 йилда туғилган Маматқулов Турсунбой билан жиноий тил бириктириб, уни ҳам бу тўдага тортди. Маннопов Вали бошчилигида тўрт кишидан иборат жиноий гуруҳ 2001 йил 2 январ кунига ўтар кечаси Ховос тумани, Туркистон ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги «Ғаллаоролгазкомпрессор» бошқармасига қарашли «Ховос-Фарғона» линиясига етиб келишди. Улар махсус мослама билан симёғочларга чиқиб, симларни металл кесувчи арра билан кесиб олишди. Сўнг Эшонқулов Аҳмаднинг машинасига юклаб олиб кетишди. Кейинчалик эса сотиб, пулини бўлиб олишади.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганлари рост экан. 2001 йил 6 январга ўтар кечаси яна шу линияга келиб 10 та симёғоч орасидаги 1800 метр АС-50 русумли нархи 506315 сўмлик симларни кесиб олишди-да, пуллаб юборишди. Текин пул ёқиб қолган жиноий гуруҳ 2001 йил 8 январга ўтар кечаси одатдагидек яна шу линиянинг олдига келиб, 8 та симёғоч орасидаги жами 1440 метр нархи 405052 сўмлик АС-50 русумли симларни металл кесадиган арра билан кеса бошлашди. Холмирзаев Умид симёғоч синиб кетиши натижасида ерга йиқилиб, олган тан жароҳати натижасида Янгиер шаҳар марказий шифохонасида оламдан ўтди. Уюшган гуруҳ аъзоларининг жиноий мақсадлари охирига етмай қолди.

Сирдарё вилояти Ховос туманининг суди гуруҳ аъзоси Маннопов Валини айбдор деб топиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми «а», «б» бандлари, 127-моддаси 3-қисми билан шахсий мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, 15 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Судланувчи Эшонқулов Аҳмад Жиноят кодексининг 127-моддаси 3-қисми ва 57-моддаси ҳамда 59-моддаси қўлланилиб, 8 йилга озодликдан маҳрум этилди, мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилди.

Судланувчи Маматқулов Турсунбой Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми «а», «б»-бандлари билан айбдор деб топилиб, шу модда ва 85-модда қўлланилиб 6 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Судланувчилар Вали Маннопов, Аҳмад Эшонқулов ва Турсунбой Маматқуловлардан Ғаллаорол магистрал газ қувурлари тармоқ ишлаб чиқариш бошқармаси фойдасига 1.265.788 (бир миллион икки юз олтмиш беш минг етти юз саксон саккиз) сўм ундирилади.

Жиноят қуроли сифатида «Москвич-412» русумли давлат белгиси 12 Д 0091 бўлган автомашина ҳам давлат фойдасига мусодара қилинди.

Жиноятчиларга жазони қаттиқ тартибли колонияларида ўташ белгиланди.

**Ғуломжон ЖЎРАЕВ,**
**Сирдарё вилояти Ховос тумани судининг раиси,**
**Эгамберди СУЮНОВ,**
**журналист**

*Ушбу сондаги суратлар муаллифи «Инсон ва қонун»нинг махсус мухбири Нурмамат АЛМУРОДОВ*

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Рўзибой САИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи:
Т. ҲАСАНБОЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
Л. КУЛИШОВА
Компьютер оператори:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18
(умумий бўлим),
133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.